

**Масих ортидан бориш**

**Масихга эргашишни ўрганиш**

**Масихга эргашишни ўргатиш**

***Биз нимага***

***ишонамиз?***

# Масихийлар нимага

## ишонишади?

Сизга қачонлардир бир талай майда расмларнинг парчаларидан “пазл” йиғишга тўғри келганми? Айниқса парчалашдан олдин унинг олдинги кўринишини билмай туриб йиғиш мушқил. Олдимизда бир ғарам ола-чипор деталлар бор. Нимадан бошлаш керак?

Бу машғулотда тажриба орттирган ҳар бир инсон сизга аввал ён қисмларини йиғиш лозимлигини маслаҳат беради. Ён қисмлар нишонаси кескин характерга эга – тўғри қирралар, уларни бошқа қисмлар орасидан топиш осонроқ. Агар улар шаклланса биз расмнинг тасвирига эга бўламиз.

Бизнинг ҳаётимиз кўпинча шундай пазлга ўхшайди. Ҳар қандай янги жамиятга тушибоқ, биринчи навбатда “қирраларини”, жоиз чегараларни ифодаловчи қонун-қоидалар принципларни аниқлаш зарурдир. Маълум маданий гуруҳга мансублиги шулар орқали аниқланади. Ушбу принциплар доирасидагилар – шу принципларга тегишли ва шунинг аксидир.

Бу савол Жамоатда бир мунча бўлакча туради. Яшашни орзу қилган, Худо сийлаган фойдаланиш доирасидан четда маълум бўлиб қоладиган бизнинг имон-ишончимиз, хулқ-атворларимиз қирғоқ ўлка, қайси чегарадан ташқарида. Жамоат илмини доктринага нисбатан тажрибада ушбу саволни ниҳоят кескир қилиб қўйишади. Ажралишни таҳдид қиладиган бидъат, сохта илм пайдо бўлиши биланоқ Жамоат олдида Масих таълимотини асл ҳолида сақлаб қолиш муаммо бўлиб қолган. Хусусий мулоҳаза амрини ўтказишдан қутулиш учун Ёзувга нима мувофиқу, нима номувофиқлигини аниқлаш учун бутун мажлисга чақирилган Жамоат оталари сиғинадиган олий нуфуз бўлган. Бутун олам мажлиси қарорлари диний ақида каби шаклланган – эътиқоднинг расмий рамзлари мисолида “Ишонаман” ибодати бўлган. Жумладан (Ҳаворийлар, Афанасев, Халкидон ва ҳоказо каби аталган) рамзлар бир нечта бўлган. Вақт ўтиши билан эса янги сохта илмлар пайдо бўлиши ва уларга карама-қаршилик қилиш зарурлиги учун рамзлар янада кўпайган. Ундан ташқаридаги уларнинг ҳажмлари ҳам катталашган. Бу” биз нимага ишонамиз”, – деб аталган догмат асосларига “Биз буни қандай бажарамиз” деган амалий қўлланма қўшилган. Масалан: Лютеранлик эътиқод – бу аллақачонги бутун бир китобдир.

Эътиқод рамзлари Жамоатнинг кундалик ҳаётида фойдали мўлжал бўлган. Лекин биз имон-эътиқодимизни шулардан тузилган деб изҳор

килишимиз билан ўзимизни адаштирамиз. Ишончимиз рамзи, бу жамоат аниқ вақтда дучор келадиган аниқ саволларга аниқ қарорлардир. Агар ўша вақтда бошқа муаммолар бўлар экан муаммоларни ҳал этиш рўйхати ҳам бошқа бўлар эди. Асрдан-асрга муаммолар алмашади, янги қандайдир вазият билан тўқнашганда биз аниқ тушунишимиз кераклиги, ушбу вазиятни Ёзув қандай талқин этишини кўриб бир йўл орқали тўғри ҳал этишимиз мумкин. (Бошиданок кредо узвлари шундай яралган). Ҳар хил мазҳабларнинг эътиқод рамзларини кўриб чиқилганда биз кўпроқ уларнинг Ёзишни шарҳлайдиган фарқини кўрамиз. У ёки бу нуқтаи назар ҳимоячилари сиғинадиган олий нуфуз Ёзув деб тан олинади. Ҳаммага билдирган илм Ёзувга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган тақдирда ҳар қандай вазиятда ҳам бу аниқ. “Ёзув бизнинг олий нуфузимиз ва шунинг учун бизнинг айтилганимиз – ҳақиқат”, деб сохта масиҳийликнинг ибодат раҳнамолари ўзларининг илмларига ваъз беришга интилишади. Шундай қилиб жамоатларга ўз мавқеини белгилаб доимо зарур бўлган уларнинг диний ақидалари кўпайиб бориши сари жамоатлар устига устак парчаланарди. Лекин биз аниқ англашимиз зарурлиги – масиҳийлар диний таълимотини унинг тўлалигича ҳеч қандай эътиқод рамзи тақдим этолмайди. У Ёзувдан кичик бўлса, унда янги муаммолар билан дуч келганда у ишламайди. Бугун бизни ҳаяжонлантирувчи саволлар рўйхатини ҳар қанча туза олишимиз мумкин. Қайси ҳолатда чирокни ўчириш ёки ёндириш, кўшиқ ижрочилари қандай куйламоқи лозим, жамоатга қайси транспортда одобли етиб бориш мумкин ва ҳақозо. Лекин бир неча йилдан кейин янги турдаги транспорт, янги муסיқий асбоб ихтиро этишади, электрни умуман тармоқдан ўчириб қўйишади. Бугунги кунга ишлаб чиққан инструкцияларимиз ишламайди ва янада Ёзувга ёритилган принципларга бевосита мурожаат этишга мажбур бўламиз. Бизнинг маслагимиз оз бўлса, у фақат вақтинча аниқ бир вазиятда ёрдам бериши мумкин, лекин у ҳеч пайт нисбий, на ўтгинчи эътиборга эга бўлмайди. Бошқа томондан, агар бизнинг маслак Ёзув ўлчамига тенг бўлса, бизда Ёзувнинг асл нусхаси бор, унда нимага кўчиришимиз керак? Жамоатнинг бўлиниши ва эътиқод рамзларининг сони кўпайиши билан Масиҳ Танасининг турли қисмлари турли номланган. Эндиликда бошқа жамоатдан ака ёки сингиллар билан учрашганда уларнинг биринчи саволи – сиз қайси жамоатдансиз. Сизнинг жамоатингиз қандай номга эга? Сиз қайси мазҳабга мансубсиз? Лекин бу одамларнинг уйдирмаси; бундай хилма-хиллик билан тўқнашганда ўзи Жамоат Масиҳнинг Танаси нимани ифодалашини англаш машаққатли бўлади. Яқинда Симферополнинг харизмат жамоатидан бирининг руҳонийси “Масиҳнинг Танаси ягоналиги” мавзусида ваъз қилиб ниҳоят кўрғазмали мисол келтирди: менинг учта фарзандим бор. Мен узоқ муддатли сафардан келсам учаласи ҳам мени кутиб

олиш учун эшик томон югуришади – соғинишган. Учови ҳам менинг фарзандим, ҳаммаси менга ўхшашади, лекин шу пайт учови ҳам ҳар хил, улар бир-биридан фарқ қилишади. Ҳар бири ўз характерига эга. Шу заҳотиёқ биттаси: “Менинг меҳрибон дадагинам, мен сизни шунчалик яхши кўраманки, сизни соғинганимни билсангиз эди!” деб бўйнимга осилади. Иккинчиси тезда олиб келган сумкани титкилаб: “Дада сиз совға ваъда қилгандингиз, қани улар” дейди. Учинчиси эса бир четда туриб кузатади. Лекин учинчиси ҳам отасини кутган, у ҳам отасини яхши кўради, аммо отаси ўзи эътибор беришини кутади, у ҳам отаси учун фарқсиз эмаслигини кўрсатишини хоҳлайди. Ҳақиқатдан ҳам мен совға ваъда қилувдим – инкор қилмайман, бошқа томондан четда турган фарзандим олдиға албатта бораман, чунки уни ҳам севаман.

Худди болалар ҳар хиллигига ўхшаш Худо учун биз ҳам ҳар хил, ҳар хил жамоатлардай. Баъзи жамоатлар тезда сумкаға – “қани ваъда қилинган совғалар?” деб титкилар. Баъзилари Худо Ўзи қачон ҳаракат қилишини кутишади. Учинчи жамоат эса ўзининг Худоға бўлган севгисини изҳор этади. Биз ҳаммамиз эса бир Отанинг фарзандларимиз. Ва ака-ука бўлиш учун эгизак бўлиш шарт эмас.

Жамоатнинг ажралиши Худонинг амри эмас. Бу Масиҳ Танасининг аъзолари орасига шайтоннинг пона уруши, уни (қоқиш) парчаларға бўлиб ташлашидир. Қувнинг жиловида юриб, биз ажратиш учун бўлган сабабларни юзини фарқларини жуда ҳам осон қабул қиламиз. Булар бизники – булар бизники эмас; булар биз билан – булар биз билан эмас. Аммо, аниқ тушуниш керакки Худо фарзандлари ҳамда Худодан четланаётганлар орасидаги ажралиш, жамоатлар орасида эмас, балки ҳар бир жамоат ичида ҳар бир мазҳаб ичида. Асосий бўлиниш, биз туриб ёки ўтириб ибодат қилишимизда, мусиқа асбобимиз бор ёки мусиқасиз ашула айтишимизда эмас – оғир қарор қабул қилиш керак булган вақтда маслахат олиш учун Кимға ва нимаға мурожаат этишимиз биз учун энг улуғидир. Нуфузлиси принципиал фарқ. Ушбу фарқ асосида ғоят равшан шуни аниқлаш мумкинки, уч хил жамоат, уч турдаги масиҳийлар бор.

Биринчиси – бу анъанавий жамоатлар, жамоат ўзи унинг анъана ва устунлари қарорлар қабул қилишда олий нуфуз бўлиб туради, вақт ўтиши билан бундай жамоат бошқаруви маъмурий вазифаға айланади ва жамоат амалиёти, жамоатдаги урф одатлар Мукаддас Ёзув билан тўкнашади. Жамоат анъанаси нуфузи биринчи ўринға келади. Шу заҳотиёқ уч майл пайдо бўлади.

Биринчи майл – анъаналар мустаҳкамланиши “Бу нарса Муқаддас Ёзувда йўқ-ку!” деб айтилади. “Биз ҳар доим шундай қилар эдик”. Биз буни доим нотўғри қилганмиз деб айтмоқчимисиз? деб жавоб берилади. Аниқ бир мисол: Биринчи масиҳийлар ғорларда йиғилганларида электр чироки бўлмаган, хизмат ўтказадиган хонанинг ёритилишига ҳар бир киши ўз хиссасини қўшишга шам ёки чироқ олиб келиб қўйишган. Эндиликда жамоатларда аллақачон электр чироқ ёниб турган, одамлар эса ҳозиргача ўзлари билан шам олиб келишади.

-Сиз нимага бундай қиласиз? деб сўрасангиз.

Сизга:

-Биз ҳар доим шундай қиламиз. Бизгача имонли аجدодлар шундай қилишган ва биз буни бекор қилишга ҳақли эмасмиз?, дея жавоб беришади.

- Ахир бу Муқаддас Китобда йўқ-ку?

-Жамоат анъаналари бизга шундай таълим беради.

Пайдо бўладиган иккинчи майл – ушбу анъаналарни догматик асослайди. Барҳам берган эски қолиши билан янги нимадир пайдо бўлади. Юмушларнинг бундай ҳолатини қандайдир тушунтириш зарур. Черков шамлар билан ёритилганида, улар диндорлиги сабабли “жамоатга” шамнинг нимага кераклигини сўраш ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган. Шамсиз қоронғилиги шундай ҳам ҳаммага кўриниб турибди. Ҳозир эса жамоат ёруғлигига қарамай, барибир шамлар қолдирилади. Уларнинг нимага кераклигини қандайдир тушунтириш лозим. Бундай даврда илоҳий тушунтириш туғилади. Масалан, шам бу бизнинг қурбонликимиз рамзи. Унинг олови тепага, яъни Худо олдига интилаётган ибодатимизни ифодалайди. Муқаддас Китобда бўлмаган илоҳий ғоя шундай вужудга келади. Мақсад қандай? У билан Муқаддас Китобда бўлмаган, лекин жамоатда тенг ёки олий нуфузнинг борлигини аниқлаш. Бу ҳолатда хато дин янги ақидалар пайдо бўлади. Масалан Рим отасининг устунлик ҳақидаги догмати: Рим отаси жамоат учун барча қарорлар чиқариши мумкин. Ёки масалан, бокира қиз Марямнинг ҳомиладор бўлиши. Бир қатор жамоатларда Марям сиғиниш учун бўлган бут (объект) бўлиб қолди, агар у сиғинадиган бут бўлибди, Муқаддас Ёзувда айтилганидек, ҳар қандай инсон гуноҳкор,

демак Марям Масих каби гуноҳкор табиатни мерос қилиб олиши керак эмас эди ва ҳоказо.

Биз “ҳар доим” шундай қилган эканмиз демак бу тўғри. Жамоат “ҳар доим” нотўғри йўл тутиш мумкин эмас. Дарҳол учинчи муаммо юзага келиб чиқади – ўзгаришларнинг имконидан ташқарилиги, яъни мумкин эмаслиги. Худонинг сўзи қайсидир битта маданият учун, қайсидир аниқ бир вақт учун берилган эмас. У – маданият ва вақтдан ташқарида. Ўзимизнинг маданиятга биз ўзимиз мослаштирамиз. Маданият ўзгарди – одат эса қолди. Ўз вақтида шундай қилиб, Худонинг сўзини кенгайтишига ташвиш қилиб, Муқаддас Иреней Худога ёққан ишни бажарган – Муқаддас Ёзувни лотинчага ўгирган, Ғарбда Рим империясида яшаган, ҳамма Муқаддас Ёзувни оддий лотин тилида ўқишга имконият бўлиши учун – ўша даврнинг қабул қиладиган тилда бу таржима Вулгой таржима деб ном қозонган (ҳар кунги истеъмолдаги авомга хос). Ушбу таржимадан юз йиллар давомида жамоат фойдаланиб келди. Лотинчада аллақачон ҳеч ким, ҳеч қаерда гапирмаган, лекин фақатжамоат ундан астойдил фойдаланиб келган.

Янгидан таржима қилиш – бу ниманидир синдириш, ўзгартириш дегани. Лекин жамоат “ҳар доим” бу матндан фойдаланиб келган. Биз эса ниманидир ўзгартиргани ҳақлимизми? Шарқ жамоати худди лотин бидъатидай бундай йўлни ҳукм қилиб ва бошқа, славян матнидан фойдаланишга журъат қилган. Натижада, кўп бутхоналарга киринг – у ерда аллақачон славян тилидан фойдаланади! Агар биз “бутун ҳаётимизни” Худо хизматининг славян тилидаги жамоатда ўтқизган бўлсак, қандай қилиб бошқасига ўзгартира оламиз?, Ҳар бир немис Муқаддас Ёзувни ўзининг она тилида ўқиши учун тўрт юз йил олдин қиёсан Лютер Муқаддас Китобни немис тилига таржима қилган. Ҳозир ҳам Лютеран жамоати ушбу таржимадан фойдаланади. Манзур тутасиз, бир неча юз йиллик ичида тил шунчалик ўзгарганки, кўпинча, гап нима тўғрисида кетаётганини тушуниш қийин! Лекин анъаначилар ундан фойдаланишни давом эттирадилар. Бу анъанавий жамоатлар ўзгаришларига қобилиятсизлик намунаси.

Хуллас, биз дуч келадиган жамоатлар биринчи тури, жамоат анъаналари Худо Каломини нуфузидан устун турган анъанавий жамоатлар. Яъни Аҳд даврларида бундай ўринларда фарзийлар туришган. “Сизлар-ку қозон-товоқ чайиш билан боғлиқ бошқа яна кўп удумларга риоя қилиб, Худонинг амрини ташлайсиз-у инсонлар урф одатини эса пеш қиласизлар”- (Марк 7:8).

Иккинчи йўналиш – либерал жамоатлар деб номланади. Бу ерда, (одатда номи “соғлом фикр”) инсонлар фикрлари билан Муқаддас Калом низога келса, бизнинг ақлимиз бизга ҳеч қачон панд бермас экан, демак Муқаддас Ёзув янглишади деган хулоса чиқарилади. Инсон – бузуқ зотлигини биз Ёзудан чиқарамиз, унинг ақли барча нарсани англашига қобилиятли эмас, унинг онги чегараланган Муқаддас Ёзув нима тўғри, нима нотўғрилигини биз унга ҳукм этиш ишончини билдирамиз-ку:

Либерал жамоатларда уч майл пайдо бўлади.

Энг биринчиси либерализм ҳар доим нимага келиб чиқади – бу Муқаддас Китобдаги бутун ажойиботни таҳқирлайди. Дарҳақиқат ўз вақтида сизга Муқаддас Китоб ажойиботларида ажойиблик йўқлиги ҳақида муқаддас атеистик адабиёт тушган. Бугун жамоатга келганимизда, қандай қилиб жамоат минбарида бу нуқтаи назар воизлик қилишини эшитамиз.

Бунга тафовут мисол – нонлар кўпайиши мўъжизаси ҳақидаги хутба (Исо 5 минг одамни 2 дона балиқ ва 5 та нон билан тўйдиргани) аслида овқатланиш вақти келганда ҳар бирининг чўнтагида қуруқ паёк бўлган, лекин биронтаси қуруқ паёқини олмаган, чунки олса ўз ҳиссасини бўлиши керак бўлган. Шу вақтда бир бола “мана, ота-онам менга мактабга иккита балиқ ва бешта нон беришган” (шундай озгина тамадди қилиш учун), модомики, мактабга бормаяпман, оломон ортидан даштга судралибман, – демак мен бўлишим мумкин. Исо, болақайни ўз олдига чақириб, “қаранглар кичик бола бўлса ҳам зикналик қилгани йўқ. Бошқалар учун қандай мисол!”

Одамлар қилиқларидан уятга қолишиб, ўзларининг озуқаларини чўнтақларидан чиқаришди (аниқланишича, бирор кишида балиқ ва нондан ташқари, бошқа озуқа бўлмаган) бир-бирлари билан бўлишгандан кейин, яна озуқа ортиғи билан қолган. Сизга бундай қизиқ талқинни эшитишга тўғри келганми? Чиройли воқеа, балки насихатомуздор, лекин Муқаддас Китобда ёзилганга алоқаси қандай? Мутлақо ҳеч қандай!

Бошқа воқеа эса тушади. Болақай боғда болалар Муқаддас Китоби билан ўтириб:

- Исроил Худоси улуғ Худого шукур, ҳаллилуя! деб бақирар экан.

Ўтиб кетаётган профессор унинг олдига бориб:

-“Куппа-кундизи нимага аҳмоқона нарсаларни айтиб бақирасан”, деб айтди.

Болакай эса, завқланиб шундай жавоб берибди:

– Мен ҳозиргина Худованд тошқин сувларига амр берган ва Исроил халқи Қизил денгизни қуруқликдан юриб ўтишганларини ўқидим. Худованд Улуғ! Унинг қудрати Улуғ! Ҳаллилуя!

Профессор бошини чайқаб:

- Болакай наҳотки сен тушунмасанг, буларнинг бари эртақ-ку. Олимлар аллақачон бу маълум масалани ўрганиб чиқиб, бу ерда оддийгина хатолик Мусо Қизил денгиз томон ўрнига бошқа томонга юриб Миср шимолидаги кичик бир кўл ёнида бориб қолган. У кўлда эса фақатгина 10 см сув бўлган. Шунинг учун бу ботқоқликни ўтишда ҳеч қандай мўъжиза йўқ.

Болакай озмоз ўйланиб, ундан ҳам қаттиқроқ бакирибди:

- Ҳаллилуя! Худованд Улуғ!

Профессор шу заҳоти довдираб қолибди.

– Яна нима?

– Худованд ўша 10 см сувда бутун Миср армиясини от ва аравалари билан чўктириб юборган. Худованд Улуғ!”

Бизнинг қулоғимизга эшитиладиган ажойибот инсон онгига тушуниб бўлмайдиган нарса бўлсин, Худованд Сўзида бор нарсани ўзгартиришга ҳаракат қилса – бизнинг барча тасдиқларимиз шу заҳотиёқ ўз-ўзларига қарама-қаршиликка келишади.

Либерализмнинг иккинчи майли – Худованд қудратини чегаралашдир. Худованд нимага қодиру нимага қодир эмаслигини биз ўзимиз ҳал этишни истаймиз. Дарҳақиқат бу майл гуноҳ тушиш вақтидан бери бизнинг ичимизда яшаб келади. Лекин Худованд – бу Худованд. Худованд Ўзига маъқул йўл билан ҳаракат қилиши мумкин. У қандай ҳаракат қилиши мумкин, қандай ҳаракат қилиши мумкин эмас, деб ҳал қилишга уриниб Худодан устун бўлишга кучанамиз. Масалан: Юнус наҳанг балиқ ичида уч кун яшаши учун амр қила олармиди? Бу воқеа эсингиздами? Наҳанг балиқ Юнусни ютиб у қочишга ҳаракат қилган жойга етказган.

– Либерал, одам наҳанг ичида уч кун давомида яшай оладими? – деб сўрайди.

Афтидан бу ҳикоя – фақатгина аллегория.



Бу ерда бир қатор контраргумент келтириш мумкин. Биринчидан Худованд ўзига маъқул барча нарса қилишга қодир. Инсон темир қайиқ ясаб, ойлаб сувнинг тагидан юзага чиқмасдан яшай олади. Ким улуғроқ – инсонми Худовандми? Вақти-вақти билан кейинчалик катта ҳайвонлар, хусусан итлар кашалот қўйнига тушиб, у ерда бир неча кунлар яшаганлар, кашалот эса яланг сувда аксириб енгил тортгунча сузар ва зиён-заҳматсиз қолиши ҳақида нашрлар чиқар эди. Хабарларга кўра, “Star of the East” (Шарқ Юлдузи) номли кит овлаш кемасининг ёш инглиз денгизчиси Жеймс Бартли 1891 йилининг феврал ойида Фолкленд ороллари яқинида ов вақтида 80 тоннали 25 метрли кашалот қайиқни ағдарган вақтида ортидан ғойиб бўлган. Ов тугаши билан экипаж кашалот танини тортиб олишиб ярим тунгача унинг билан шуғулланишган. Эрталаб эса денгизчилар кўтариш ускунаси билан кашалот ошқозонини кема палубасига кўтаришган. М де Парвил “Journal des Debat” журналининг илмий редактори бу вазиятни ўрганиб чиққан, унинг хабар қилишича, шу вақтда кит қорнида қандайдир қимирлаш, ҳаракати бўлган. Қорнини ёриб у ердан Бартлини топишган. Уни палубага ётқизиб денгиз сувидан устига ургач у ўзига келган, лекин унинг онги аниқ бўлмаган ва капитан каютасида ақлидан озганга ўхшаб бир ҳафта ўтказган. Бу ҳақиқатми ёки йўқми – билмайман. Мен битта нарсани биламан: Худованд энг қудратли, қодир Худо. Кит умуман Муқаддас Китобнинг асл ибрий матнида умуман ёдга олинмаган. Шу ҳақида гап бўляптики, муболағасиз таржима этилганда қандайдир айрим балиқни Худованд назарга олган. Чунки Худованд юборган қандайдир бўлак балиқ бўлган. Юнус тарих ҳақиқатлиги – Исо ҳам бу тарихни ҳақиқат деб ҳисоблаши мен учун асосий исбот.

Исо уларга жавобан деди:

*“Бу ёзув ва субутсиз насл далил излаяпти, лекин Юнус пайгамбарнинг аломатидан бошқа унга далил берилмайди. Юнус пайгамбар уч куну, уч тун наҳанг балиқ қорнида бўлгани каби, инсон Ўғли ҳам худди шундай уч кун ва уч тун ер бағрида бўлади: Ниневия одамлари қиёмат кунида бу насл билан бирга тирилиб, уни маҳкум этадилар. Чунки улар Юнуснинг ваъзи сабабли тавба-тазарру қилганлар ва мана Юнусдан буюкроғи шу ердадир”.*

Исо шундай деди: Юнус билан қандай ҳолат бўлган бўлса, ҳозир ҳам шундай бўлади. Агар Юнус билан бу аниқ бўлган экан, демак келажак

воқеалар ҳам ҳақиқат. Исо Юнус ҳақидаги тарихни ҳақиқат деб тан олган.

Учинчи майл – имон-этикодга путур етказиш. Гап шундаки афкори омма ҳар доим ўзгариб туради. Биз кундан кунга кўп нарсани кўрамиз, ўрганамиз, лекин биз ҳеч қачон барча нарсани билиб ололмаймиз. Биз умуман билган нарсадан бошқа ҳеч нарса билмаймиз. Озгина кўпроқ ўргансак, тезда билган нарсаларимизни қайтиб кўриб чиқишга тўғри келади. Масалан: олдин одамлар ер юмалоқ эмас, текислигига ишонишган, буни ҳаттоки Муқаддас Китобда асосланишини топишга урунганлар. Ерни қаттиқ асосларга ўргатди. Асрдан-асрга у оғишмайди: бу ерда гўё нима тўғрисида гапирилади? Албатта – ер текислиги ҳақида! Маъзур тутинг, дарҳақиқат Муқаддас Китобда минг йиллар олдин Эски Аҳд китобларида “Худованд ер доираси устида ўтиради” дейилган. Ёзилган китобларнинг энг эскисида, Юнус китоби Худованд ерни ҳеч нарсда осиб кўйган деб айтилган. Ер текислиги – бу одамлар фикри ва бу фикр Муқаддас Китобга мос эмас; бу фикрга шунчалик кўникканки биз, Англияда ҳозиргача текис ер жамияти мавжуд. Жамият аъзолари ер юмалоқлиги ҳақидаги маълумотларни қалбаки ҳисоблашади, улар нимага буни маҳкам ушлаб олишган? Чунки Муқаддас Китоб, Худонинг Сўзи ер текис деб гувоҳлик беради деб ҳисоблашади ва биз шунинг билан ҳисоблашмас эканмиз, демак Муқаддас Китоб нуфузига путур етказар эканмиз.

Аслида эса биз фақатгина ўзимизнинг шахсий нуфузимизни ўзимизнинг ғоямизни олдинга кўйиб, уни Худованд сўзига ёзиб кўшдик. Энди инсоний ғоялардан фойдаланиамиз, шунинг билан Муқаддас Китобга “айиқ хизматини” қилиб борамиз.

Шундай қилиб, жамоатнинг иккинчи тури либерал жамоатлар. Саддуқийлар Худовандга қулоқ солишни истамаганлар, айнан шундай ўринларда туришган (Матто 22:29). Славян, католик, протестант мазҳаблари тўғрисида кўришимиз мумкин бўлган либерал қарашларга риоя қиладиган одамлар бор ва бошқалари анъанавий қарашларга риоя қиладиганлар мавжуд. Лекин жамоат орасида шунақалари ҳам борки, Муқаддас Китоб асосларида қатъиян турадиганлар – булар жамоатнинг учинчи тури. Бу масиҳийлар жмоатидир. Уни яна Муқаддас Китоб, Хушхабар, консерватив, фундаментнал жамоат деб ҳам аташади, ҳар қандай ҳолатда ҳам бу жамоатда Худонинг Сўзи – олий нуфуз

хисобланади. Агар биз ниманидир тушунмасак, ниманидир билмасак – бу кўрқинчли эмас. Бу тўла мўътадил. Турли ҳолат, вазиятларда бу нима қилишимиз зарурлигини билиш учун Худованд Сўзини қарашимиз, бу сўзга мурожаат этишимиз мумкин. Биз айнан шу турдаги жамоат бўлишга интиламиз. Бизда Исодан имон-эътиқоднинг ҳеч қандай рамзи бошқа йўқ. Муқаддас Китобдан бошқа ҳеч қандай Муқаддас Ёзув йўқ.

Биз “масихий” деган номдан бошқа номимиз йўқ, чунки қанча яхши бўлмасин ғоялари қанча олий бўлмасин (баптистлар, эллигинчилар, лютеранлар, пресвитерианлар, славянлар ва ҳакозолар) бу номлар ҳаммаси инсонлар ихтироси ва улар парчаланишга хизмат қилади. Ҳаммаси мазҳаб эътиқодлари – масихийлигини биз унутмаслигимиз лозим, Исо танасини тўла ўраб оладиган масихийлар номидан бошқа ном мавжуд эмас. Худованд битта жамоат яратган – Ўзининг жамоати.

Мазҳаблар турли хил, лекин Исо ва Худованд билан эътиқод қилувчилар Унинг жамоатининг қисмидир. Турли жамоатларга тенг улар ҳаммалари Унинг Жамоатини тузишади. Пазл чегаралари қандай, умуман масихий жамоати аниқловчи нимага ишонади ва хусуан Симферопол масихий жамоати.

Биз турган биринчи фундаментал низом – Муқаддас Китоб ҳақиқий ва ҳақиқатга хилоф қилмайдиган Худованд Сўзидир. Усиз бизда умуман ҳеч қандай пойдевор йўқ. Албатта биз асосланган ҳолда айтишимиз мумкинлиги Исо, Худованд Сўзига мужассамлигимиз бизнинг пойдевор. Биз узи Исо ҳақида қайдан биламиз? Муқаддас Китобдан, Худованд Сўзидан Уни билишга интилмасак, Ўз ҳаётимизни Исо ҳаёти билан қандай солиштиришимиз мумкин, Унга ўзимизни қандай ўхшатишимиз мумкин, кўпчилик масихий бўлмаган илмлар Исони улуғ муаллим деб тан оладилар, лекин аслида улар ҳеч нарса билишмайди. Нимага? Чунки Муқаддас Китоб нуфузини тан олишмайди!

Павлус Тимўтига ёзган иккинчи мактубида Муқаддас Китоб Худонинг Сўзи эканлиги ҳақида ўқиймиз. 3:16-17.

Бу исботни Бутрус ҳам қўллаган (2 Бутрус 1:21) “Ҳеч бир пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу азиз одамлар Муқаддас Рух томонидан ҳаракатга келтирилиб, Худонинг сўзларини гапириб берганлар”.

Луко баён этган Хушхабар 16:17да бой ва Лазар хақида масал айтиб берган. Бой дўзахга тушиб, у ерда чидаб бўлмас иссиқдан азоб чекиб Иброҳимдан камбағални акалари олдига бориб даҳшат азоблар хақида айтиб бериши учун юборишни илтимос қилди. Менинг қутулишга нажотим йўқ, лекин ҳеч бўлмаса у уларни бу мудҳиш жойга тушмаслиги учун огоҳлантирсин.

Иброҳим Лазарга жавоб берди: Уларда Мусо ва бошқа пайғамбарлар бор, уларга кулоқ солишсин (Мусо ва пайғамбарлар – яхудийлар, Муқаддас Ёзувни шундай номлашган). У бўлса Лазар эътироз билдириб: йўқ Иброҳим ота, агар улар олдига ўлганлардан бирортаси борса улар тавба қилишади. Унда Иброҳим унга деди: агар Мусо ва пайғамбарларга ишонмас экан, ўлганлардан бирортаси ҳам хаётга қайтса ҳам ишонишмайди. Исо бизга англаш учун бергани: агар одамлар Муқаддас Ёзувни тан олишмас экан, ўликлардан кимдир тирилган ҳолда ҳам унга ишонишмайди. Исонинг Ўзи билан ҳам бундай ҳолат содир бўлган: ўликлардан қайта тирилиб У юзлаб одамларга кўринди (1Кор. 15:16), ва уларнинг баъзилари тавба келтиришди, баъзилари эса ишонишмади.

Эътибор беринг: биз Муқаддас Ёзув Худованд Сўзи фақатгина Муқаддас Ёзувда ёзилганидай Худованд Сўзилиги учун эмас, биз Муқаддас Ёзув – Худованд сўзилигига ишонишимиз керак, деб ҳавас қиламиз. Шунга ўхшаш далил билан ўзимизни осонгина унаттиришимиз мумкин. Аслида эса бу ҳеч нарсани исботламайди. Дунёда маълум бўлган, Муқаддас Ёзувда айтилган билан мувофиқлиги сабабли Муқаддас Ёзув – Худованд сўзи бўлганига ишонамиз.

Телевизор сотиб олсак, унга кўшиб қўлланма ҳам берилади. Қўлланмадан биз у қандай тузилган, ундан қандай фойдаланиш мумкинлигини ўрганамиз – лекин ишлаб чиқарувчи ўзининг ижодини биздан кўра яхши билади. Модомики, биз телевизор сотиб олиб ишлаб чиқариувчи қўлланмасини очиб, фильтр орқали қоғоз қопга чангни йиғувчи шланг ва чўткани телевизорга улаш кераклишини ўқисак, демак бу қўлланма бошқалиги муайян бўлади.

Муқаддас Ёзув – ишлаб чиқарувчининг қўлланмаси. Ер, осмон, денгиз ва унда бор нарсани яратган Худо – бизга ҳаракат қўлланмасини берган У қўлланмасни ўқиб, биз ҳақиқатдан У яратган биз яшаб турган дунёмиз учун ёзилганига амин бўламиз, Унга биз кўп ташки далилларга эгамиз. Этика, фан, тарих, башоратлар – уларнинг барчаси

бизни, Муқаддас Ёзув Худонинг Сўзилигига инонтиради. Ундан бўлак китобнинг ўзи Худо сўзи бўлганлиги ҳақида гапирди.

Исонинг тасдиқлашича, У – Худо Ўғли. Бундай далил ўзига ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Ҳозирги кунда ўзини худо деб тасдиқловчи кўп одамларни биламиз. Уларнинг баъзилари парламентда ўтиришади, иккинчилари руҳан ақли заифлар шифохоналарида ётишади. Фарқи шундаки, Исонинг душманлари ҳам Унинг сохта гувоҳликда ёки бошқа бир гуноҳда фош қилиша олмаганлар. У ҳар доим Худованд Ўғлиман деб далил келтирган. У доим ҳақиқатни гапирган.

Бизни ўйлантириб қоладигани шуки: У доимо ҳақиқатни гапирганлигини ташқи далиллари. У – Худованднинг Ўғли деган иддаолар умуман бошқа вазн бахш этади. Муқаддас Ёзув – Худо сўзи бўлгани тасдиғига Муқаддас Ёзув ҳаққонийлигини худди шундай ташқи далиллар ишониши учун асос беради.

Бошидан охиригача Муқаддас Ёзув чин эканлигига биз ишонамиз. Азалда Худо осмон билан ерни яратди (Раббимиз Исо Масиҳнинг инояти барчамизга ёр бўлсин). Ҳақиқатдан ҳам Худонинг ҳеч нарсадан дунёни яратиши – шунчалик ажойиб мўъжизавий воқеа. На материя, на энергия, на макон, на замон бўлмаган ва фавқулодда Худованд Сўзидан барча нарса пайдо бўлди! Исо танада ўлиб тирилгани ва Унинг бутун дунёни ҳукм қилишга қайтиши ҳам мўъжизавий ва албатта ажойиблиги кам эмас. Биз Уни кутаямиз. Унга яқинлашмоқдамиз, Раббимиз Исо!

Агар биз шу иккита мўъжизага ишонар эканмиз, Муқаддас Ёзувнинг яна қайси ажойиботларига ишониш қийин?

Худованд бутун оламни яратган. Бу масиҳий эътиқоднинг иккинчи принципиал низоми. Муқаддас Ёзувга асосан, Худованд Ўзининг хуш иродаси билан оламни олти кунда яратган. Бу қандай кунлар бўлган? деган муҳокамаки, биз тез-тез эшитишимиз мумкин. Йигирма тўрт соатли кунлар ёки қандайдир бошқача кунлар бўлганми? Либерал художўйлар Муқаддас Ёзувда айтилганига асосан яртилиш ҳақидаги ҳикояни айнанлигига эътироз қилишади. Худованд назарида бир кун минг йил ва минг йил бир кун кабидир (1 Бутрус 3:8), демак гўё яратилишнинг бир куни минг йилга тенг. Айнан шу пайт ичида яратувчида минг йил худди бир кундлай деб ёзилган. Нимага энди биз Художўйлигимизни шунга асосан кўрмаймиз? Белгилаб олинг,

Муқаддас Ёзувда аниқ ва равшан айтилган: Яратувчида, бизда эмас. Худованд – замондан ташқарида. Бизнинг эса бунга қандай алоқамиз бор?

Ҳикоя қилишадики: бир одам қайсидир вақтда ибодатида Худовандга мурожаат қилиб: – Худованд, ростми, Сен учун бир дақиқа ёки миллион йилнинг фарқи йўқлиги, дебди.

– Рост.

– Сен учун бир танга ёки миллион гривиннинг фарқи йўқлиги ростми?

– Рост.

– Худованд менга бир танга бергин!

– Бир дақиқа сабр қил.

Худованд қудратли, бир он ичида Ўзининг Сўзи ила оламни яратиш Унинг ҳукмида! У эса оламни олти кунда яратган. Нимага? У ҳукмида канадйдир чегараланганми?

Ёки Унга қудрат етишмайдими? Йўқ Муқаддас Ёзув бу аниқ конкрет панднасихатли маънога эга бўлган Чиқиш китобидан 20:8-11-да шанба кунини ёдингиздан чиқарманг, уни бағишлаш учун олти кун фаолият қил ва улар ичида ҳар қандай ишинги қил еттинчи кун эса шанба Худованд учун сенинг Худовандинг учун бу куни на сен, на ўғлинг, на қизинг, на канизагинг, на эшагинг, на ҳар кимса ҳайвоннинг, на келгинди сенинг уйингда яшовчи, чунки Худонинг олти кун ичида осмон ва ерни яратган улардаги барчани яратган еттинчи кун эса мамнун бўлган ҳаммани яратувчи шанба кунни улуғлади. У кунни табарруқлади.

Худованд бизга масал берган! Худовандга атаган кунингиз олти иш кундан кейин амалий чарчоқ ва қулайлик масаласи эмас, бу Унинг амри. Унинг асл талаби буни ёддан чиқармаслигимиз зарур ва Худованд Ўзи ҳеч чарчоқ билмайдиган шундай қилибди. Ҳафтанинг бир кунини тўлалигича Унга ажратмасак Унинг амрига итоат қилмайдиган киммиз? Бу учинчи принципал низоми шундаки, инсон Худованднинг ўзгача бунёди, Муқаддас Ёзув тасдиқланишича Худованд инсонни Ўзига монанд эркак ва аёлни яратди. Бир мавсумдан инсонни яратди. Инсон бу катта моҳиятга эга у олдин мавжуд бўлган биологик турлардан пайдо бўлмаган. Исо айтган эди (Ибт. 2:7; 24:2-7). Ўша пайтда Худованди Карим ернинг тупроғидан одамни ясаб, унинг димоғига ҳаёт нафасини пуфлади, шу йўсинда одам тирик жон бўлди.

Либерал художўйлар тахминларига кўра, ер гарди бир хужайрали хайвонлар кўзда тутилган. Эволюция жараёндан улардан химик тартиби бўйича кам фарқ қиладиган инсон пайдо бўлган. Аммо химик таркиб пайдо бўлиши ҳақида бизга бирор нарса англатармишмикин? Медуза , булут ва тарвуз 98% сувдан иборат, демак медуза, булут ва тарвуз эволюция натижасида битта мавжудотдан пайдо бўлишганми? Уларнинг насли биттами? Агарда ер бу хужайрали хайвонлар ер гарди деб кўзда тутилса Муқаддас Ёзувдаги ифода (Ибт. 3:19) “Сен ердан олингансан бу ерга қайтгунингга қадар пешона тери билан юрасан, зеро тупрокдирсан ва тупрокқа қайтарсан” қайси маънога эга? Гўёки сизнинг хонадонингизда маймун югуриб юрибди? Бу бизнинг бувамиз ўтиб қолдилар, бироқ сиз шунақасини кўрганмисиз? Лекин ҳамма кўрган. Инсон танаси ерга айланган ҳолатни Муқаддас Ёзув қандай айтса шундай бўлади.

Дарҳақиқат ўлим ҳақида сўз юрар экан биз шу заҳоти тўртинчи асосий вазиятга дуч келамиз. Масиҳий диний таълимотининг Муқаддас Ёзувга асосан Худованд оламини бекаму-кўст қилиб яратган. Унда ўлим (ажал) бўлмаган. Ўлим – гуноҳ натижасидир. Илоҳий баҳолашга асосан яратилган олам ғоят яхши бўлган.

Тасаввур қилиб куриб: барча жойларда улим ҳукмрон, хайвонлар бир-бирларини бурдалашар миллион йилларки қон шиддатли равишда оқар. Дарвин назариясига асосан миллион йиллик ўлим ва азобу уқубат инсонни пайдо бўлишига олиб келди. Худованд эса Одам Атони юпатиб: Кўрқинчли жойи йўқ, Одам Ато ташвиш ўйга тортма ҳаммаси ғоят яхши.

Аввалги яратилиш ғоят яхши бўлган, бироқ гуноҳ ажални келтириб бу мувофиқликни бузишга олиб келган. Инсон Худосиз яшашни истаган, ўзининг шахсий иродаси билан яшашни орзу қилган, эътибор беринг Худованд Одамни койимаган, У Ўзи яратган оламини койиган Муқаддас Ёзув “Сен ҳаққи ер лаънатланган” “Сен ҳаққи” дедди. Сен учун сенинг фойданг учун, сен каби номукаммалга муносиб номукаммал атроф бўлсин, сен танлаган ҳаётни кечириш учун маконинг бўлсин .

Римликларга 6:23-да, битта одам дастидан дунёда гуноҳ келди, гуноҳдан эса ўлим пайдо бўлди ва бутун инсонларга ўтди. Маълумки ҳамма гуноҳ қилган (5:12). Мана Худо Ўз фарзандларини зоҳир қилишини бутун махлуқот муштоқ бўлиб кутмоқда. Чунки махлуқот ўткинчиликка маҳкум бўлган. Бу эса махлуқотнинг ўз ихтиёри билан эмас, балки махлуқотни яратган Худонинг ихтиёри билан бўлган. Айни замонда махлуқотнинг ўзи ҳам фано қилмишидан озод этилмоқ ва Худо фарзандларининг улуғвор

эканлигига эришмоқ умидига эгадир. Биламизки, борлиқ махлуқот ҳозирга қадар бирликда оҳ нола қилиб гўё туғиш азобига етибди (8:9-12). Худованднинг яратган барчаси ҳозиргача азобини чекапти. Қайси вақтдан буён ҳозиргача? Худованд барча ғоялар яхши деган пайтдан бошлаб-ми, ёки гуноҳ тушиш вақтиданми? Албатта айтиб ўтганларимизнинг иккинчиси! Хуллас, ажалнинг қули гуноҳ натижаси бўлмай нарсанинг нормал ҳолати бўлса, унда инсоннинг қурбонлиги нимадан халос этади.

Маълум жойдан келиб чиққан қуйидаги муҳим ҳолат инсонлар барчаси гуноҳ билан мағлуб. Бу ҳақида Муқаддас Ёзув бундай бир маъноли дейди. Ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг улуғворлигидан маҳрум (Рим. 3:23). Ҳар бир инсон гуноҳкор. Одам Ато ўзининг иродаси билан яшашга қарор қабул қилган. Биз ҳам ундан бу иштиёқни мерос қилиб олганмиз. Кичкина болакайда ичида ҳам гуноҳ ўрин олган. У доим ўзиникини талаб қилади, битта ўзига эътибор қаратишни талаб қилади. Ҳаттоки ёлғон ишлатишга қодир. Масалан: қаеридир оғриб турганлигини кўрсатиб туради ёки очлигини намоён қилади. Бу ичимизда яшаган гуноҳнинг болалик кўринишлари майда анойи ёлғон. Болакайдаги бу ёлғон бизнинг ҳаттоки ийдирмоғи ҳам мумкин. Улғайиш меъёри билан бизнинг гуноҳкорлик табиатимиз ҳам улғаяди. Инсон аввалан яхши бўлиб туғилади. Гуноҳкор атроф уни гуноҳкор қилади деб либераллар ўрганишади. Қизиқ, аввал ҳам яхши бўлса бу ёмон атроф қайдан олинди? Муқаддас Ёзувнинг таълимоти *Мен гуноҳкор бўлиб дунёга келганман, онам мени гуноҳ ичида туққан экан (Забур 50:7)*. Онам қорнида пайдо бўлганимдан бошлаб наслдан қолган касалликлар менинг ичимда яшаб келмоқда. Улардан биттаси иродам гуноҳ билан кишанланган. Агар гуноҳ билан курашиш учун кучим йўқ экан, демак у фақат гуноҳи йўқдан олиниши мумкин. Мени бутунлай ўлдирмагунича гуноҳ менинг изимда яшайди. Тушкун оламда назоратсиз қолган барча парчаланади, бузилади, заволятпади. Хонадонини кўп вақтдан буён таъмирламагн буни яхши билади. Иш жойида тартиб ўрнатишга ҳаракат қилган ҳам бу ҳолат билан таниш. Назоратсиз қолган нарса ўзидан-ўзи тартибсиз ва хаос ҳолатига учрайди. Бизнинг руҳиятимиз ҳам худди шундай, инсон туғилган кунидан бошлаб гуноҳкор ва бунинг кундалик назарияси шуни болакай гуноҳсиз туғилиши билан ҳам уни гуноҳсиз қолиш учун чўқинтириш зарур деган асос нотўғри, бу йўл билан гуноҳдан сақланган мисолни кўрсата оласизми? Гуноҳ билан курашиш мақсадида Исони қабул қилиб Худовандга мурожаат қилгунига қадар Худованднинг таълимоти инсон гуноҳкор туғилиб гуноҳ ичида яшайди. Одам ўз кучи билан гуноҳни енга олмайди. Чўқинтириниш, кутқариш қудрати ҳақида Муқаддас Ёзув билдирар экан, шу заҳоти айнан



кайси канақа чўқинтириш ҳақида аниқланади (1Бутрус 3:21). Мана шу сув ҳозирги сувда имон келтириш маросими тимсолидир. Бу маросим маъноси баданни кирдан тозалаш эмас, балки Худованддан пок виждонни сўрашдир. Сизлар ҳам сувга чўмиб имон келтирганингизда Исо Масиҳнинг тирилиши туфайли нажот топдингизлар. Дарвоқе, биз инсонлар Исо билан аҳд қилиш фақатгина чўқинишда ҳаётини пок виждон ва шахсий анланган қарор билан яшаш деб қабул қиламиз.

Навбатдаги принципал ҳолат: Исо – танада зоҳир бўлган Худованд. Бу дунёни яратганинг Ўзи дунёга бизнинг гуноҳларимиз учун қурбонликка келган. Кришнаитлар сизга ҳикоя қилиб беришади, Исо Кришнанинг тимсолларидан бири. Иегова гувоҳларининг тасдиқлашларича, У – Худованднинг арзанди Ўғли. Лекин Худованд эмас” (қизик, бу нимани англатади?)

Аммо, Муқаддас Ёзув Исонинг Худовандлиги ҳақида бир маъноли ва равшан гапиради. Ундаги, биз фақат эътиқод орқали қабул қилишимиз мумкин бўлган икки ҳолатдан ташқари, барчаси асосланган ва мантиқланган. Айтиб ўтилган икки ҳолат эса – Худонинг Ўғли ўлгани ва Инсон Ўғли қайтиб тирилгани. Бундай пайтда Худованд Муқаддас Ёзувнинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилдирадиган, далиллар гувоҳлиги ва ташқи манбалар бериб, биздан кўр эътиқод ишонч талаб қилмайди. Бизнинг фикрлашимиз қандай мантиқий бўлмасин, ўлган киши танада қайтиб тирилиши мумкин эмас, ёки Худованд танада кела олмайди – Муқаддас Ёзув бўлакча гапиради. Иегова гувоҳлари ўзининг илмини шахсий тасдиқлари билан Муқаддас Ёзувга асосланганлар сизга йўл очганлар билан. Филиппиликларга 2:6-8 ни музокара қилиб кўринг. *“Масиҳ Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Лекин Ўз улуглигидан кечиб, қкулқкиёфасига кирди, У қуринишда инсонлар каби бўлди. У Ўзини шундай паст олиб ўлимга ҳатто хочдаги ўлимга бориб итоат этди”*.

1-Юҳанно 5:20. *“Яна шуни ҳам биламизки Ўғли келиб Ҳақни танишимиз учун бизга ақл-идрок берди. Биз Ҳақ билан Унинг Ўғли Исо Масиҳ билан бир танмиз. У Ҳақ Таоло ва абадий ҳаётдир”*.

Колосаликларга 2:9. *Худонинг бутун борлиги тўла-тўқис Масиҳ вужудида мавжуддир!*

Римликларга 9:5. *“Улуг ота-боболаримиз уларнин оталари бўлган. Масиҳ ҳам жисман улардан келиб чиққан. У борлик нарса устидан ҳукмдор, абадий ҳамду саноларга сазовор бўлган Худодир. Омин!”*

Исо хоч устида, гуноҳларимиз қурбони бўлиб ўлгани масиҳий эътиқоднинг навбатдаги принципиал ҳолатидир. Унинг ўлими – танланган қурбонлик. Гуноҳнинг ҳақли косаси – ажал. Биз абадий ўсишимиз керак, лекин бизни яратган Худованд, бу оламга биз учун ўлиш учун келган, биз У билан осмонда бирга бўлишимиз учун. Одам Худованд олдига келиши учун, Худованд одам олдига келди. “Биз гуноҳ қаршисида ўлиб, энди солиҳлик билан яшашимиз учун хочда гуноҳларимизни Ўз баданига сингдирди. Унинг яраларидан сиз шифо топдингизлар” (1 Бутрус 2:24). “Чунки Масиҳ ҳам бизни Худога яқинлаштириб ва гуноҳларимизни ювиш учун бир марта азоб чекиб ўлди. Ўзи солиҳ киши бўлгани ҳолда, гуноҳкорлар учун қурбон бўлди. Унинг баданини ўлдиришган бўлсада, Руҳи тирилди” (1 Бутрус 3:18).

Исо инсон табиатини тўлалигича қабул қилди – У касал бўлиш, қийналиш азоб чекишга, худди биздай қобил эди. У бизнинг жабру-жафоларимизни кўтариши мумкин эди. Жисмоний отага эга бўлмай, У гуноҳ билан кишанланган иродани мерос қилиб олмаган. Осмондаги Отамиз иродасини бажо этиш учун келган. Айтиб ўтилган, олдинги ҳолатлар билан боғланганлигини биз кўриб турибмиз. Агарда Исо танасида келмаган ёки У Муқаддас Руҳдан туғилмаган ва гуноҳкор бўлса, унда Унинг қурбонлиги ҳеч қандай маънога эга эмас. У мукамал бўлмаган гуноҳларимиз тўлови бўлишга қодир эмас. Муқаддас қозидай Худованд ҳар биримизга: “Сен гуноҳкорсан, сен ўлишинг керак” деб айтади. Лекин севадиган отадай, У “Мен сен учун ўламан – тақводор ва тақводор бўлмаганлар учун”. Шу мазмунда муқадас Ёзув Муқаддас Аҳднинг тўла маъносидир.

Либераллар изидан кулгилиси, бизнинг даврда жисмоний ота иштирокисиз ҳомиладор бўлиш мумкинлигини; ҳозирда олимлар ўз лабораторияларида ирсий инжеренияни клонлаштиришни, донорлик иштирокисиз она организмида ҳомила ўзи етилишни бошлаган пайтда ҳаттоки умуртқалиларни портогенезини (қизлик ҳомила) татбиқ этган даврда инкор қилиш наҳотки шу олимларга ҳаёт берган Яратувчи бунақага қодир бўлмаса?

Навбатдаги принципиал ҳолат – Исонинг тананинг аслида тирилиши. Аллақачон Исо ҳаётини тарихий фактини ҳеч ким инкор қилмайди. Ундан ортиқ кўпчилик мулоҳазали тадқиқотчилар ҳаттоки даҳрийлар ҳам Исони Унинг ўлиmidан ва дафн этгандан кейин шогирдлари Унинг бўш даҳмасини

кўрганлигининг тарихий тўғрилигини эътироф этишади. Уларга Исо ҳақиқатдан ҳам тирилганлигини тан олиш учун уларга бир қадам етишмайди.

“Исо яшаган, Исо яшамокда, Исо яшайди! Исо ўлди, лекин Унинг иши асрларда тирик!” деб шогирдлари йиғилишиб қарор қилишган деган тарихий нақл чиқарилган. Биз, Унинг ғояларининг ўлишига йўл қўймаймиз Уларни биз ҳар макону ҳар замонга ўнгга ва чапга эълон қиламиз. У бизнинг юракларимизда яшайди!” Аммо бу тахминий нақлнинг жиддий муаммоси бор. У шогирдлари тирилиш хушxabари учун ўлимга ҳам тайёр эдилар. Уларнинг ғояси фақатгина уйдирма бўлгани бундай монандлик мумкинми? Ахир улар аинқ билишарди-ку.

Ёлғон ғояларни овоза қиладиганлар устида таҳдид тургани ҳақида биз кўп мисолларни биламиз, улар шу заҳот ўз сўзларидан бош тортилган: “Йўқ-йўқ, биз асло буни назарда тутган эмасмиз!” Қамокқа тушган президент Никсоннинг собиқ маслаҳатчиси Чарл Колсон, Вотергейт иши билан ҳикояси бўйича айнан шу Муқаддас Китобдаги Исо тирилиши ҳақидаги ҳикоя ҳақонийлиги асосий далил бўлди. Умуман бошқа-бошқа характерли (Исонинг 12 шогирди бўлган) касб тури, ҳолат тури бўлак – Исонинг 12 шогирди бўлган. Исо кўтарилганини, Унинг кўтарилишини воизлик қилиш учун жазо ва ўлимдан кўрқмай Унга охиригача содиқ қолишган. Колсон айтишича, президент Никсоннинг ҳам 12 кишиси – Америка жамиятининг олий насаб оқсуяклари бўлган. Биз олдиндан келишиб олганмиз, барчамиз бир фикрни гапирамиз афсонани тузишган – бирор бир терговчи кавлаштиролмади. Лекин жиддий қийинчиликлар юзага келганда ҳар бири бошқаларни қоралаб ўзининг жонини қутқариш учун ҳаракатга тушади.

Муқаддас Ёзув бизга етарли исбот беради – Исо танада тирикланди. Бошқа нуқтаи назар ҳам учрайди. Масалан: Иеговалар, Исо тирилмай фақатгина Унинг руҳи тирилган дейишади. Ўзини хонасида беркиниб ўтирган руҳонийларга спиритик сеансларда келиб ҳаётни қандай давом этиш лозимлигини айтган. У вақтда ҳали жисмоний тирилиш бўлмаган, жисмоний тирилиш чуночи ҳали олдинда – ҳамма тирилади, лекин доимий яшашга эса ҳамма эмас. “Улар ҳали бу хусусда сўзлашаётганда, Исонинг Ўзи ўрталарида зоҳир бўлди”.

– Сизларга тинчлик бўлсин – деди. Шогирдлар ўтакаси ёрилгудай бўлиб, арвоҳ кўряпмиз деб ўйладилар. Лекин Исо уларга деди: – Нега бунча ҳаяжонлмоқ? Нечун кўнглингизда бунча гумонлар тугиляпти? Қўлларимга ва оёқларимга қаранглар, бюу Мен Ўзим. Мени ушлаб

*кўринглар. Менда кўриб турганингиздек арвоҳнинг эту устухони бўлмайдику ахир!*

*Шундай деб Исо қўл-оёқларини уларга кўрсатди. Шогирдлар севинчидан таажжубланиб ҳали ишонмайин турганларида, Исо улардан сўради:*

- Бу ерда ейдиган бирор нарсангиз борми? Улар Унга бир парча қовурилган балиқ ва бироз мумли асал беришди. Исо буни олиб уларнинг кўзлари олдида еди. Сўнгра уларга: – Мен ҳали сизлар билан бирга бўлганимда, Мен ҳақимда Мусо Қонунида, пайгамбарлар ва забур китобларида ҳамма ёзилганлар бажо келиши керак, деб айтган эдим-ку. Мана шу бўлиб турганларга тўғри келади – деди.*
- Кейин оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнини очиб юборди ва уларга яна деди: – Мана шу ёзганларда кўра, Масиҳ азоб чекиши ва чинчи кунни эса қайтиб тирилиши керак эди. Шунингдек, Қуддусдан бошлаб барча халқлар Унинг номи билан тавба-тазарруга чақирилмоғи ва гуноҳлари кечирилиши эълон қилинмоғи ҳам лозим. Сизлар эса бу ишларга гувоҳ бўлиб шаксиз (Луқо 24:36-48).*

*Иегова гувоҳлари ғолари янгилик эмас, чунки шогирдлари ҳам аввал руҳ кўряпмиз деб ўйлашган. Ёхуд – руҳнинг ҳақиқатдан ҳам танаси бўлмайди ва шогирдларига Исонинг Ўзи келди ёки Исо руҳи уларга ёлғон гапирган – бу янги муаммолар ўчоғи бўлмиш. Унутманг: “Сохта гувоҳлик берманг”. Бу “Ўнта амрнинг” бири. Дарҳақиқат агар яҳудийга “Сиз – барчасига гувоҳ ” деб айтилса, бу унга асосий масъулият юклайди, чунки сохта гувоҳлик – амрнинг бузилишидир. Павел ёзади: “Биродарлар, мен сизларга эслатмоқчиман, ўзим Инжил Хушхабарининг сизларга етказган эдим, сизлар эса уни тан олиб, Унга қаттиқ умид боғладинглар. Агар менинг каломимга қаттиқ риоя қилсангизлар, бу Калом орқали нажот топасизлар, акс ҳолда эътиқодингизнинг асоси йўқ”.*

*Мен Худодан қабул қилганимни дастлаб сизларга топширган эдим, яъни Муқаддас Битикларга мувофиқ Масиҳ гуноҳларимиз учун ўлди, яна Муқаддас Битикларга мувофиқ У кўмилди ва учинчи кунни тирилди. Аввал У Кифага, сўнгра ўн икки шогирдига кўринди. Ундан кейин бир вақтнинг ўзида беш юздан кўпроқ биродарга кўирнди. Улардан айримлари ҳозиргача тирик, баъзилари эса дунёдан ўз юмиб кетганлар. Ундан сўнг Масиҳ Ёқубга ва қолган бутун ҳаворийларга кўирнди. Ҳаммасидан кейин эса чала туғилган болаг ўхшайдиган менга ҳам кўринди (1Бутрус 15:1-8).*

*Демак Масих ўликлар ичидан тирилди, деб оламга очиқ эълон қилинмоқда. У ҳолда қанадй баъзиларингиз” Ўликлар тирилмайди деб айтияписизлар: Агар ўликлар тирилмас экан, унда Масих ҳам тирилмаган демакдир. Агар Масих тирилмаган бўлса, у ҳолда бизнинг хабаримиз ҳам сизнинг имконингиз ҳам беҳудадир (1 Бутрус 15:12-14).*

Бунинг билан навбатдаги принципиал ҳолат ўзаро боғлиқ: тирилган Масих яқинда қайтади ва барча ўлганларнинг тирилиши бўлади, бирларини абадий ҳаётга, бирларини абадий халокатга аталган. Ушбу ҳақида Муқаддас Ёзув қайта-қайта сўзлайди. Иегова гувоҳларини охириги пайтларда дуч келган киши биледи – уларда янги таълимот пайдо бўлган – “ҳеч қандай оддий жазо мавжудэмас”. Бу либерал художўйлик нимага асосланган? Янаки одамлар фикр юритишганда:

- Гўё Худованд шунчалик меҳрибонки, наҳотки У Ўзининг яратганига шунчалик севадиганини қандай қилиб абадий азоблаши мумкин?
- Шунинг учун У уни қийнамайди.
- Унда, У нима қилмоқда?
- Аввал У ҳаммани тирилтиради, ундан кейин ёмонларни одий қилиб меҳрибонлик билан ўлдиради.
- Уларни У қандай қилиб ўлдиради?
- Муқаддас Ёзувда эса бундай дейилган: “Ёмонлик қилувчилар бари кириб ташланур, Худовандга умидворлар эса ер юзига эга бўлур” (Забур 36:10). Гўё шундлай бўлар эмаш: “Одам секин кетаётиб бирданига йўқолиб қолар экан”.

Лекин Муқаддас Ёзув бизни ниҳоят аниқ ва жиддий абадий азоб ҳақида огоҳлантиради. Худованд билан бирга бўлишни истамаган одам учун Худованд билан бирга бўлмайдиган алоҳида макон жаҳаннам, дўзах яратади. Бу ерда ҳам Худованднинг одамга қайғуриши ажралади.

*“Инсон Ўғли Ўзининг улуғворлигида, жамики муқаддас фаришталари билан бирга келган пайтида, Ўзининг улуғвор тахтига ўтиради. Барча халқлар Унинг ҳузурига тўпланадилар. Чўпон қўйларини эчкилардан ажратганидай У уларни бирма-бир саралаб қўяди. Қўйларни Ўзининг ўнг томонига эчкиларни эса чап томонига турғизади”.*

*Шундай подшоҳ ўнг томондагиларга айтади:*

- *Эй Менинг Отамнинг олқаганлари, келинлар! Дунё яратилганидан бери сизлар учун мерос сифатида тайёрлаб қўйилган Шоҳликни эгаллангиз (Матто 25:31-34,41,46).*

Бу инсоният фикри эмас, жамоатларнинг анъаналари эмас – бу Муқаддас Ёзув, Худованд Сўзидир.

Яратганни тиклаш – масиҳий эътиқоднинг принципиал ҳолатларининг охиригисидир. Худованд оламни бекаму-кўст яратган. Бу бенуқсонликни гуноҳ бузган. Лекин Худованд режаси оламни бузиш эмас, Худованд янги олам яратади, бу оламда Унинг ҳукмронлигини тан олган У билан бирга абадий яшайди. Албатта бу тикланган яратилиш бўлади ва бунда бизнинг нажотимиздир.

Агар бизнинг мақсадимиз шу ерда бу ҳаётда бўлса, унда биз ўлишимиз билан нима бўлади? Яқинда педиатр-шифокорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли инсонлар, гуманитар касбларнинг вакиллари 100 кишига яқин эди. Улардан сизлар нима ҳақи яшайсизлар? деб сўрашса, “келажак насл ҳақи” деб жавоб беришади. “Келажак насл эса нима ҳақи яшайди” деганда, “Келажак насл ҳақи” дейишади ва шу ҳолат туганмас давом этади. Ўзи бўлмаган мақсад ҳақи биз қанча яшаймиз? Мақсад ўзи йўқ, ҳеч қачон бу мақсад бўлмайди. Инсоннинг битта шодинёаси – Худованд билан абадий шодлик. Бу Худованднинг биз учун таёрлагани, биз нимага яратилганлигимиз бизнинг дилимиз ҳар доим интилган. Улуғ олим Блез Паскал айтганидай, ҳар инсон юрагида ҳеч тугайдиган нарса билан тўлдириб бўлмайдиган Худованд асли ўрин олиш учун туганмас бўшлиқ бор, у бўшлиқ бошқа нарса билан тўлмайди.

*“Шундан кейин мен янги бир осмон ва янги бир ерни кўрдим. Аввалги еру осмон гойиб бўлган эди, денгиз ҳам энди йўқ эди. Мен, Юҳанно табаррук шаҳар Қуддусни кўрдим; у куёви олдига безаниб чиқаётган келин каби осмондан, Худо ҳузуридан тушаётган эди. Мен Арши аълодан келган баланд бир овозни эшитдим, у шундай деди:*

*“Мана, Худонинг макони инсонлар аро! Худованднинг Ўзи одамлар ичра яшар.*

*Улар Худонинг халқи бўлгай,*

*Худонинг Ўзи улар ичра маскан қилгай.*

*Худо уларнинг кўзидаги ҳар бир ёшни артиб олур*

*Энди ўлим сира бўлмас.*

*Хузун ҳам, фарёд ҳам, оғриқ ҳам бўлмас.*

*Зеро аввалгилар ўтиб кетди””.*

*Тахтда ўтирган Сиймо: “Мана Мен ҳаммасини янги қилиб яратяпман!” – деди. Кейин менга: “Буларни ёзиб қўй, бу сўзлар ишончли ва ҳаққонийдир!” – деди.*

*Сўнг менга қараб деди: “Амалга ошди! Ибтидо ва Интиҳо, Боши ва сўнг Ўзимман. Мен чанқаганга оби ҳаёт булоғидан, текин баҳра бероламан. Голиб келганга булар насиб қилади. Мен унинг Худоси бўламан, у Менинг Ўғлим бўлади” (Ваҳий 21:1-7).*

Муқаддас Ёзув – биз учун бизнинг чиқарувчимиздан қўлланма. Биз ундан қочиб уни ишлатмай, бизнинг ғоя ва анъаналаримизни бирлаштирадик бизнинг донолигимиз бурда-бурдага парчаланаяди. Мисол учун эволюция назариясини олсак. Маймунлардан бирига Худованд ҳаёт берганидан кейин у одамга айланган. Одам Ато маймундан келиб чиққан деб тасдиқлаб, Худо Сўзи ва Худованд Сўзи ва эволюцияни бирлаштириш ҳаракатлари бўлган. Унда ўлим Одам Атогача бўлганми? Демак, ўлим оддий нормал ҳолат эканда, Худованднинг оламини яратиш учун кўролими? Ахир Муқаддас Ёзув аниқ гапираяди битта одамнинг гуноҳи орқали оламга ўлим кириб келган. Сизга жавоб беришаяди. Бу руҳий ўлим: “Одам Ато Худовандга кулоқ солмай руҳий ўлган” деб. Маъзур тутасиз, мендаги Муқаддас Ёзувда айтилганки, Одам Ато 930 йил яшаб ўлган. Бу ерда у руҳий ўлган дейилмаган-ку?

– “Вақт ўтиши билан у албатта ўлган, лекин ўша илк вақтга у руҳий ўлган”.

Кечирасиз бу ерда: “Одам Атонинг фарзанди бўлган ҳамма ўлаяди. Худди шундай Масихнинг фарзандлари бўлган ҳамма тирилаядилар” (1 Кор. 15:22). Унда Исо руҳий тирилган. Биз ҳам руҳий тирилаямиз, Худованд билан яшаш учун реал тирилиш бўлмайди? Янги дунёда ўлим ва касалликлар бўлмайди, фақат руҳий ва худди ҳозирдан касал бўлиш, ўлишлар давом этади. Унда тирилишга ҳожат борми?

Эволюция назарияси яхшими ёки ёмонми, у фақатгина назария. Унгача қанчалик назариялар бўлмаган? Ундан кейин нечта бўлаяди? Уни ҳозир ҳам, борган сари тан олувчи одамлар камайиб кетяпти. Лекин, эволюция, Худованд олам яратишдаги усул деб ишонган фонатиклар уни

ушлаб олиб ишонишни давом эттирмакдалар. Кейинчалик янги назариялар пайдо бўлади. Агар биз уларни Худованд Сўзига боғлар эканмиз, унда Худованд сўзи озмоз қандайдир вақтинчалик аҳамиятга эга бўлишига маҳкум бўлади, Худованд Сўзида бирортасини ўзимизнинг фикримиз билан алмаштиришнинг ҳаракатини қилсак, ҳаммаси парчаланиб тўкилади. Худо Сўзи – ҳақиқат, ягона ва бузилмас. Ҳеч қандай инсонлар анъанлари, инсонлар фикри, Муқаддас Сўзининг нуфузлини алмаштира ололмаслигини унутар эканмиз, биз инсоният тасодифлар лабиринтида дайдилигига маҳкум бўламиз.

Масихийлар ишонадиган асосий ҳолатлар (низомлар) – шулар. Булар бизнинг ола-чипор “пазлимиз” чегаралари. “Бу низомларни қабул қилмаганлар қутқарилмайди” деб эълон қилмоқчи масман. Ким қутқариладию, ким қутқарилмади деб ўйлаш – бу бизнинг ишимиз эмас. Худованд олдида ҳар бир одам ўзи учун ўзи жавоб беради. Биз масихийлармиз ва бизни бошқа номлашни истамаймиз. Дарҳақиқат биз фақат масихийлармиз, деб айтмаймиз, бошқаси йукдир. Масихий – Масих ортидан эргашувчи, ҳаттоки нимададир адашаётган бўлса ҳам, ниманидир нотўғри тушунаётган бўлса ҳам, у Масих танасининг бир қисмидир. Лекин, Муқаддас Ёзув орқали бизга аниқ бўлган нарсага қатъий итоат этишимиз керак. Бунга келишимиз йўли тор деб ҳукм қилсин. Муқаддас Ёзув айтадики: *“Ҳаёт сари элтувчи йўл эса танг, эшиги жуда тордир. Бу йўлни топадиганлар оз”* (Матто 7:14).

Худованд, Отани, Исо Масих орқали тан олган барчаси, биз учун биродарларимиз ва сингилларимиз бўлади. Улар Муқаддас Ёзувни тўғри ёки биз тушунгандай тушунганлари учун эмас, балки бизнинг улар билан Отамиз битта эканида. Албатта, ачинарлиси шуки, кўпинча энг катта бузуқлик оилада бўлади. Худди шундай масихийлар орасида тез-тез шафқатсиз тортишувлар бўлади. Биз эса асосий ҳолатни Масихдаги бошқа акаларимиз, сингилларимиз билан ўзаро муносабат ўрнатадиган низомни доимо ёдимизда тутишимиз лозим.

- Бошда бирлик, иккинчиликда – эркинлик, (бирликда) барчасида муҳаббат. Биз гапирганларимиз бирлик нимада бўлиш керак бўлган у ўша асос (бош).

Бу шундай принципал савол, муаммоларни улардан ташқарида биз Худо сўзидан узоқлашамиз. Турли таълимотларни тушуниш хусусиятлари эса бу деталлардир.



Худованд борлигини билиш, англаш бу ҳали Унга ишониш, эътиқод қилиш дегани эмас. Исо Масиҳнинг қони орқали Унинг қўлига ўз ҳаётини бергандагина, имон бўлади. Агар кимки жамоатга фақатгина Худованд борлигига ишонгани учун келса – бу етарли эмас. Худо борлигини билиб, У билан аҳд тузмасангиз, Унинг фарзанди бўлишга имконингиз бўлиб ва Исо Масиҳ орқали Унинг ваъдасига эшик очмаган бўлсангиз, унда шошилинг, Ўзингизни Худованд марҳаматидан маҳрум қилманг, уларни эса Раббимиз сиз учун оламни яратишга тайёрлаб қўйган. Вақт маккорона. Вақт тугаб, вақтингиз бўлмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Қолдирманг!

## Масихийлик нима?

“Масихийлик нима? – деб фикр юритишга уринар эканмиз, масихийларга бу ҳақида нимага ҳикоя қилиши керак?” деган тўсиқни кечиб ўтиш жуда оғир. Нима, мен кичкина болаларни ўқитаманми? Улар бу ҳақида эшитмаганми ёки биринчи бор эшитяптиларми? Лекин фикрлар бўйи шу хулосага келасизки, ўз-ўзингизга масихийлик нималигини мунтазам эслатиб туриш зарур.

Гап шундаки, Масих бирор кишининг ҳаётини ўзгартирса, ҳаётнинг ташқи ҳоллари ҳам ўзгаради. Янги машғулотлар (жамоатга бориш, Муқаддас Ёзувни ўрганиш, турли хизматлар) пайдо бўлади, олдин танимаган одамлар билан янги алоқалар муносабатлар ўрнатилади. Бир сўз билан ўзгаришлар етарли ва ҳар сафар ташқи ўзгаришлар, ҳаётнинг бошқа тарзи, янги анъана ва бошқа машғулот тури ҳисоблашга қизиқиш пайдо бўлади. Масихийлик, Худо билан ҳаёт. Муқаддас Ёзувни ўқиганимизда бу хавф янгимаслигини кўрамиз, Эски Аҳд давридан у Худо халқини доимо кутиб турар эди. Вақти-вақти билан Худо билан Аҳд нималигини ёдидан чиқарар эди, унда – ўрнатиш, қоида, қонунлар Аҳднинг маъно ва муазмуни каби қабул қилинади. Бу ҳақда Ишаъё 28:9-13 ўқишимиз мумкин.

Айтишадик, “У ўқитишни хоҳлаган одам”. Масихийлик – бу қоида ва амрлар тўплами эмас, кўп кишилар қандайлигини кўрсатишга уринган илм ҳам эмас. Бу инсоннинг Худованд унинг Яратувчиси билан ўзаро шахсий муносабатидир. Аниқроғи бу ҳаттоки хусусан муносабат эмас, муносабатлар олдин ҳам бўлган; одам томонидан нотўғри бўлгани билан, Яратувчи Ўзининг яратгани ҳақида қайғуришни тўхтатмаган. Масихийлик – бу муносабатлар тикланиши, уйга, отаси ёнига бўлган йўлдир.

Дарбадар ўғил ҳақидаги масал ёдингиздами? Ўғли отасига: “Ота, агар сиз бўлмаганингизда, барча мол-мулкингиз менга қолармиди? – деб савол берган. Фараз қилайлик сиз йўқсиз, мен эса барча бойликларингизни олиб

кетаман”. Ва кетди. Бир қанча вақтдан сўнг олиб кетганлари тугади. (отасининг мол-дунёси ортиғи билан бўлган) шунда у тушундики, отасининг уйидаги канизаклар ҳам, ундан яхши ҳаёт кечиришади. Ва у отасининг олдига қайтишини, отасига: “Ота! Мен осмонга ва Сенинг олдинда қарши гуноҳ қилдим, сизнинг ўғлингиз деб аталишга арзимаيمان: мени ўз мардикорларингиз қаторига қабул қилинг” – деб айтишни ўйлади. Дарҳақиқат масиҳийлик шу уйга олиб борадиган йўл. Узилган муносабатларнинг тикланиши одамнинг ва унинг осмондаги Отаси, унинг Яратувчиси билан бирлигини тиклашдир.

Мактабларда ўқитишади: азоб тортиш, қийналиш, лаёқатлиларга омон қолишга имкон беради, ўлим – прогресс ва ривожланишнинг ҳаракатдаги кучи: қанчалик олдин юрса шунчалик яхши. Азоб-уқубатларга чидаганимиз билан одамзодга мислсиз етишиш имкониятини берганимиз учун хурсанд бўлишимиз керак. Лекин барчамиз бу дунёда нимадир ўринсизлигини нимададир нотўғрилигимиз истагимизда англаймиз.

Худованднинг ҳукмини тан олмаган гуманистлар куш учиш учун яратилгандек инсон ҳам бахт учун яратилганлигини тасдиқлашган. Биз бу оламга бемаънилик ва азоб учун ва улиш учун тайиланмаганмиз. Ҳар бир инсон дилида Худо билан бўлиш учун яратилганлигини сезади. Худованд унинг ичида ва у Худованд ичида бўлиши учун.

Республика болалар шифохонаси ҳокимлари билан учрашувда Муқаддас Ёзувни ҳеч ўқимаган бир аёл менинг олдимга савол билан келиб: “Худованд ҳар биримизнинг ичимизда эмасми, ҳар биримиз Худованднинг бир бўлаги эмасми?” деди. Иш куни бошланишдан беш дақиқа олдин мен унга нима деб жавоб беришим мумкин эди. Мен унга асосан сиз ҳақсиз, бизни Худованд яратган, У билан бирга бўлиш, У бизнинг дилимизда бўлиши учун яратган. Лекин муаммо шундаки, биз адашамиз, белгиланганига мос эмасмиз. Ўз Яратувчимиз билан бундай яқинлик қилиш учун ичимизда яшаб турган нимадир бор. Бу нимадирни Муқадас Ёзув “гуноҳ” деб атаган. “Нью Эдис”-нинг барча ғоялари. Албатта бизнинг Художўй белгиланганмиз махфий хусусиятлардан йўқолган жаннат ҳақида гинетик хотираси қайдан пайдо бўлади? Фақатгина гуноҳ жарлигини енгиб бўлмаслигини тушуна олмаслик бизни Худодан узоқлаштирган. Бу таълим давом эттирувчиларга нарсалар ҳақиқий ҳолатини кўришга халақит беради. Биз осмонлар учун белгиланганимиз, бу ҳақида тортишадиганлар оз. Биз айнан шунинг учун Худованд билан абадий яшаш учун, У бизнинг ичимизда ва биз Унинг ичида бўлишимиз учун яратилганмиз. Бизнинг вазифамиз, севиш ва сеvimли

бўлишдир. Аммо бу одамийликни- муҳаббатни зўрлик билан боғлаб бўлмайди. Чунки Яратувчи одамни эркин қилиб яратган. Бу материал оламда фақатгина одам шахсий эркинликлардан яратилган. У Яратганнинг иродасини рад этиш ёки қабул қилиш имкониятига эга. Инсонда ушбу эркинликлардан фойдаланиш имконияти бўлиши учун унга битта ягона чегара берилган. Адам боғида ўсиб турган дарахлардан фақат биттасининг мевасини емаслик. Чегарасиз эркинлик нималигини хаёлингизга келтира оласизми? Эрталаб турасиз сизга хоҳлаганингни қил деса, бирор нарса қилиш истаги бўладимикин? Чегаралар бўлмаса эркинлик ҳам бўлмас, чунки озодлик иродамининг амалга ошиши гарчи биз иродамининг амалга ошириш йўлини кўрмас эканмиз, биз мутлақ озодлик қафасида барча ҳаракатларимизни ҳал этиш натижаси маънавий танлов натижаси бўлади. “Доктор спок” бўйича болаларга тарбия берадиган оилаларга қаранг. Тўла озодлик берадилар. Булар бахтсиз болалар, бир куришда улар истаганини қилади, истаганини гапирди. Қанчалик талтайган бола, аслида эса бу болакай уни тўхтатиш учун (барчасини қилмоқда) тўхта бу ёғи мумкин эмас дегунча барчасини қилмоқда. Шу ерда сенинг ҳуқуқларинг тугайди. Чунки қаерда ҳуқуқ бўлса, у ерда масъулият бор. Бола бутун кўриниши билан “Мен ҳали кичикман, ҳолатни назоратга оладиган борми?” дея бақиради. Озодлик масъулиятига қанча олиш ёки қанча ололмаслиг эмас, бу ҳали унга имкониятидан ташқари нарсани олишни истамасликдир. Бундай бола озодлик, эркинлик қидиради, лекин тополмайди, чунки ўз иродасини ифодалайдиган чегаралар йўқ. Нима мумкин ва нима ман этилганлигини англаб туриб, бола эркин тўғри ёки нотўғри ҳаракат қила олади. Биз мумкин бўлган ва ман этилгандан хабар топгач танлашдан ва табиқи озодлик эркинлигидан маҳруммиз. Чегаралар йўқлигидан эркин ирода йўлига тенг маънога эга. Аммо эркинлик бор экан уни суистъемол қилиш имконияти ҳам бор. Муқаддас Ёзув худди шуни таъкидлайди. Инсон шундай қилди, у ўзининг эркинлиги билан ноурин фойдаланади. У Яратганга кулоқ солмади, Яратганнинг иродаси билан ўзининг иродасини келиштириш ўрнига Унга ўхшаш ўринга У билан яқинлашишни ва У билан алоқани яхшилаш ўрнига Унинг иродасига қарши йўл тутди. Муқаддас Ёзув айнан шуни гуноҳ деб атаган. Гуноҳ инсон ва Муқаддас Худованднинг орасини ўтиб бўлмас жар билан ажратиб қўйди. Бизнинг иродаминг гуноҳ туғдирган. Тезтез гуноҳ ҳақида гапирса гуноҳнинг нималигини бутунлай тушнишмайди. Кўпинча гуноҳ деганда нотўғри ҳаракат ва нотўғри ҳаракат натижаларини ўйлайди. Кўпинча примитив (оддий) гуноҳ эмас, бу гуноҳ натижалари. Муқаддас Ёзувда гуноҳ аввал белгиланганликка мос эмас, Нишонга тушмаслик маънога эга. Камон ўқ каби нишонга тушиш учун белгиланиб, лекин тушмай ёнида

учиб кетган. Биз белгиланганимиз ёнидан учиб ўтиб кетаяпмиз. Биз белгиланганимизга мос келиш ҳаракатидан ташқаридамиз. Барчасида биз Худованд иродасига қарши ҳаракатланамиз. Бу иродамиз насл насаби бизнинг ичимизда Худованд билан муносабатимизни бузиб яшамоқда. Лол қолдиргани шуки, бир-биримизнинг алоқаларимиз муносабатларимизни бузади. Чунки биз фақат Худованд билан равшан ҳақиқий бирликка эга бўлишимиз мумкин. Одамнинг Худованддан айрилиши гуноҳни биринчи натижасидир. *Ҳамма гуноҳ қилди ва Худонинг улугворлигидан маҳрумдир* (Рим. 3:23).

*“Агар гуноҳимиз йўқ десак, ўз-ўзимизни алдаган бўламиз ва кўнглимизда ҳақиқат бўлмайди”* (Юҳанно 1:8).

Эътибор беринг бу ҳаммага айтилган, шунинг ичида ўзининг мактубини Юҳанно юборган масиҳийларга ҳам!

Гуноҳнинг иккинчи натижаси – дунёга ўлим кириб келди. Муқаддас Ёзувда: *“Гуноҳнинг эвази ўлим дейилган”* (Рим.6:23). Аввал яратилган дунёда ўлим бўлмаган, Худованд инъом этган фақат ҳаёт бўлган, У ҳаёт ортиғи билан бўлган. Унинг билан биз доим чуқур ва жуда яқин шахсий мулоқотда бўлган биз ва Ундан ҳаёт кучини олар эдик. Лекин гуноҳ бизни ҳаёт Беручи билан ажратди, биз Худовандга бир-биримизга бегона бўлиб қолдик.

Шохни, яъни новдани дарахтдан синдириб ёки узиб олсангиз нима ходиса юзага келади. У қуришни бошлайди. Аммо тезда кўриб қолмайди. Барглари ҳали бироз вақт яшашни давом этади. Модомики, олдин булар бир бутуннинг бўлаклари бўлишган қуёш билан ёритилган ҳар бир барг дарахтдан етарли даражада ҳаётий сув шарбатлар олиб, хлорофилл ишлаб чиқарган. Барглар орасида рақобат бўлмаган барглар дарахт ва бир-бирлари билан гармонияда бўлишган. Энди эса новда синдириб олинган экан, ҳар бир барг бошқа барг ҳисобига новда сувини шимади. Ҳаммаларини боқиб турган ҳаёт бериб турган томир негиз йўқ. Энди ҳар бири ўзи-ўзи учун. Кўпроқ кучи бор ва етилган барглар бошқа барглар ҳисобига бир қанча узоқроқ яшайди. Лекин натижада улар ҳам булар ҳам ҳалок бўлишади.

Биз билан ҳам худди шундай бўлади. Дарахтдаги барглар каби. Гуноҳ фақатгина Худованд билан эмас, балки бир-биримиз орамиздаги муносабатида ҳам ифодаланди. Бошқа одамлар юзида рақибларни кўриб, шубҳа билан муносабат қиламиз. “Мен, меники ва менга” қабилдаги муносабатимизни эсади, чунки ҳар бир киши фақат ўзиникини қидиради. Ёдингиздами Одам Ато ва Момо Ҳаво ялонғоч эдилар ва уялмас эдилар?

Дунёга гуноҳ кириши билан улар белбоғлагич билан ёпилар эдилар, чунки улар бир-бирларига ишонишмас эдилар. Ахир булар аввалги белгиланишлари бир бутун тан бўлиши керак бўлганлар? Худованд улуғ! У нур ва унда ҳеч қандай қоронғилик йўқ. Бизнинг эса энг улкан муаммомиз шундайки, ҳеч қандай тўғри ва меҳрибон ишларимиз Худованд билан ўзаро муносабатларни тиклай олмайди.

Ўзининг яратганига ўлим беришни истамаган ҳеч бўлмаса ерга гуноҳ тушгунча У билан birlikда бўлишдан узоқ бўлса ҳам, бир халқ Худованд билан алоқада бўлиш учун У Исроил халқи билан аҳд тузиб унга қонун берган. Юз йиллар давомида одамлар Отасига қайтиш йўлини топиш учун уларнинг нимага белгиланганликларини унутмаслик учун хотирасини асраб келган. Аммо исроилликлар қонунга итоат қилишсалар ҳам бошқа халқлардан яхши бўлишмаган. Гуноҳ одамлар ичида яшашни давом этган ва Эски Аҳддаги Исроил тарихи – Худонинг содиқлиги ва одамзоднинг Худодан юз ўгиришидир.

Мен йўл, ҳаракати қоидаларига тўла риоя қилсам, ундан мен янада тўғри ҳалол бўла оламанми? Кечаси светофорнинг қизил чироғида тўхтаганда ичимда шу чироққа тўхтамай ўтиш хоҳиши йўқми? Ҳеч ким мени кўрмайди-ку! Аттанг, мен ўша-ўша мен. Йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш мени тўғри қилолмайди. Жиноят кодексига риоя қилиш ҳам мени ундан яхши қилолмайди. Жиноятчи бўлиш учун эса, мен жиноят кодексининг ҳамма моддаларини бузишим шарт эмас. Биттасини бузсам етарли. Занжирни узиш учун, барча бўғинлари ёрилиши шарт эмас, бир дона бўғиннинг узилиши етарли. Исроил халқига берилган Қонун одамларга гуноҳкорликларини ўрганиш имконини берган, уларни гуноҳдан ҳалос этмаган. “Гуноҳ қонун орқали ўрганилади” – деб Павлус ёзган. Қонун метрологик ўлчам каби у билан биз объектлар ўлчамга мос келдими йўқми текшираемиз. Аммо қонун ижроси бизни яхши қилмади, биз олдинги ўшалигимизгча қоламиз. Гуноҳ эвази эса – ўлим. Бизнинг ичимизда ҳаёт учун ўрин олган экан, ҳар биримизни ўлим кутмоқда. Шунини аниқ тушуниш, англаш керакки гуноҳкор одам Худованд назарида яхши ёки ёмон бўлмайди. Худованд қонунини бузиш учун биз нечта гуноҳ қилишимиз керак? “Кераклиги” шуки Одам Ато ва Момо Ҳаво (нечта гуноҳ) Худованд назаридан ҳайдалиш учун; нечта гуноҳ етган бўлса – шунча. Ҳамма гуноҳ қилган ва Худованд улуғворлигидан маҳрум. Яккаю-ягона. “Агар биз амрни бузсак, биз бутунлай қонни бузган бўламиз” дейди Муқаддас Ёзув. (Ўзимни) Мен унчалик ёмон одам эмасман, жиноятчи, фоҳиша, ўғрилардан яхшиман деб ўзимизни юпатишим мумкин. Лекин, ҳақиқатнинг аччиғи шундаки,

барчамиз Муқаддас Худованд юзи олдида тенгмиз. Негаки ҳеч ким қонунни бутунлай ижро этишга қодир эмас. Ҳаммамизни бир тақдир кутади. Худованд олдида яхши ва ёмонга ажратилганлар йўқ. Инсон гуноҳкор экан, Худованд билан мулоқотда бўла олмайди.

Бизнинг ғуруримиз: “Ахир мен ҳеч кимни ўлдирганим йўқ-ку!” – деб эътироз билдиради. Нима бўлибди ким билади? Балки ўлдиргандир? Оғир вазиятдан йўлини топиш учун тўсқинлик қилган бир оғиз гапиргандирсиз? Ёки аборт қилишда алоқадорсиз? Бизнинг давлатда ҳайрон қолдирадиган нарсалар ҳукмронлик қилади. Бир томондан, биз инсонийлик хоҳиш, ният билан ўлим жазосига қарши чиқамиз; иккинчи томондан бизда талабларга кўра абортга йўл қўйилган. Гарчи буни Муқаддас Ёзув тилига таржима қилинса (нима тўғри, нима нотўғри) биз гуноҳкор жазосиз, гуноҳсиз ўлим жазосини олишга тарафдор бўламиз. Бу ақлсизликка эътиборсиз қоламиз! Кўрингки, ичимиздан ўрин олган гуноҳ нималарга келтиради! (Бевафолик) Бир аёлни бевафоликда айбловчиларга Исо бундай деган: “Ким гуноҳсиз бўлса, биринчи бўлиб унга тош отсин”. Шунда каттадан бошлаб охиригача индамай кетиб қолишди. Гуноҳ ҳар биримизда яшаб келмоқда. Унутманг, бироқни ҳукм қилар эканмиз, биз ўзимизга ҳам ҳукм чиқаряпмиз – ҳар биримиз ўлишимиз лозим.

Шайтон ўйланганки, Худовандни тузоғига алдаб олиб келиб олдим, чунки хаёланки муҳаббат ва ҳақиқат қарама-қаршилиқка келишган, айтганки бу Худонинг икки аломати, икки ажратиб бўлмайдиган қисми. Худо ростгўй ва меҳрибон. У ҳар бир кишига қилмишига яраша беради. Гуноҳ жазоланмасдан қолмайди. Жиноят бўлса албатта жазо ҳукми ҳам ортидан етади. Зарар етказилибди унинг баҳосини тўлаш мажбур. Лекин Худо Ўзининг яратганига ўлим истамайди, тиламайди. Хуллас бир томондан У бизга ўлим тиламайди, иккинчи томондан У бизни гуноҳларимиз учун жазолаши керак.

Шайтон Уни жанг олишувда ютдим ва энди Худованд ўрнини эгаллаш мумкин деб ўйлаган.

Унинг барча ҳаракатлари мантиқан тўғри, аммо бу тараддуддан мантиқий чиқиш мавжуд эмас. Муҳаббат мантиқий ҳисобдан улуғ. Бу нарсани У ҳисобга олмаган. Шайтон учун муҳаббат бегона нарса.

Худованд оламини шунчалик севганки, ҳатто Ўзи Ўз Ўғлида бу дунёга келди ва гуноҳларимиз эвазига ўлди. Ҳар биримизга тайёрлаб қўйилган ўлим – гуноҳ эвази. Лекин Худованд Ўз Ўғлида гуноҳни билмаган Ўз Ўғлида

бизнинг гуноҳларимизни Ўзига олди, ўлим қуллигидан бизни сотиб олди, қутқарди.

Бир куни ёшгина битта йигит ёмон гуруҳга тушиб қолди. Улар дўстлари билан ортикча майхўрлик қилиб, дўкон токчаларини синдиришди ва судга тушишди. Судда гуруҳдаги ҳаммаси ўзларини ноқулай сезишди, лекин булар ичига тушган ёш йигит ўзини ноқулай сезмаган. Гап шундаки судья унинг отаси эди. Бу ишни кўриб чиқишганда, бизнинг қаҳрамон ҳаммаси яхши бўлади, отаси ҳаммасини ҳал қилади деган фикрга тўла амин бўлди. Судья ҳукм чиқарди: биринчи кишига 300 доллар ёки уч ой қамоқ, иккинчисига 300 доллар ёки уч ой қамоқ, учинчисига 300 доллар ёки уч ой қамоқ жазоси берилди. Бизнинг танишимизга навбат етганда 300 доллар ёки уч ой қамоқ дейилганда: “Бу қанақаси? Ахир менинг пулим йўқ-ку. Отаси ўз ўғлини қафасга тикяпти!” деб руҳий зарба еди.

Ўзини йўқотган ҳолда суд ижросиси ёнига чақирув қоғозига борди. Лекин у ҳам сизнинг исмингизга 300 доллар чек ёзилган деди. Ваҳоланки суд қарорини ўқишдан олдин отаси 300 долларга чек ёзиб суд ижросига қолдирган. У ўғлининг ҳаракатларини оқлай олмасди, чунки у айбдор эди. Унинг айби биринчи учтаси билан тенг эди.

Агар ўғлини оқлаганида, унда қолган дўстлари ҳам айбсиз, гуноҳсиз бўлишар эди. Унда ким жиноят қилган бўлар эди? Отаси адолатли судья адолатли ҳукм чиқарди. Аммо ўғлини севиб, у ўзи ўғли учун тўлади. Билардики, тўлаш учун ўғлида ҳеч вақо йўқ.

Модомики, бизнинг ёш йигит андишали бўлиб, чекни олди ва шунинг билан воқеа тугади. Худованд билан бизнинг мулоқотимиз жараёнида алоқамиз акси бўлади. Шу ерда ўғли ҳар жойда “Мана, кўрдингизми – мени отам севмайди! У мени оқлашни истамади! Мен чекни олмайман, унга қасддан азоб чекаман! Унга ёмон бўлсин! Мен азоб чексам, у ҳам, мен билан азоб чекади!” деб овоза қилади. Гап, 300 доллар ёки уч ойлик қамоқ жазоси ҳақида тугаб: абадий ҳаёт ҳақида гап юритилади. Гуноҳ эвази ўлим, ундан озод бўлиш фақат ўлим орқали. Гуноҳ баракали инсонни санчиди – унинг тўлови баракали қурбоннинг ўлими, бизнинг ҳаёт эса шахсий ҳаётимизни сотиб олишга ҳам қадрсиз. Лекин Муқаддас Ёзув аниқ гапирди: *“Гуноҳнинг эвази – ўлим, Худонинг инъоми эса Раббимиз Исо Масиҳ қиёфасидаги абадий ҳаётдир”* (Рим. 6:23) .

Гуноҳимизни ювиб, Худованд бизга тўланган чекни текинга берди, совға сифатида, марҳамат ва фароғат каби.



Худонинг марҳамати мана шу нарса, Хушхабарга муҳим тушунча. Биринчилар Худо марҳаматида Унинг лутфи деб тушунишади, иккинчилар эса, мистик энергияга ўхшатишади. Муқаддас Ёзувда “марҳаматлаш” сўзи марҳаматли инъом тақдирга лойиқ эмас совға маъносига эга.

Сиз қилмишингизга яраша жазо олганингизда – ҳақиқат. Бизга берилган жазо қолдирилса бизга тўғирланмаса ва бизга яна бир бор тўғри иш қилиш имконияти берлса – илтифот. Айни шу тушунча орқали Эски Аҳддаги Худованд ва Исроил халқи муносабатлари аниқланарди. Лекин фароғат илтифотдан умуман бошқа тушунчага эга. Қилмишларимизга яраша жазо ўрнига бизга ажр мукофотт берилса – илтифот. Қачонки бизга, ҳақиқатга кўра ўлиш кераку, абадий ҳаёт қувончи мукофот қилиб берилса. Бизга берилади, чунки биз бунга лойиқмиз (бирор бир инсон бунга лойиқ эмас). Чунки яратувчи Ўзи бу учун қурбон бўлган. У худди биздай бўлди. Чақалок бўлиб туғилди; юришни ўрганаман деб тиззаларини уриб, касаллик ва йиқинчиликларни кўриб, қаварилган жойлари ачишишини сезиб, чанқоқлик ва очликни синаган; йиғлаш нималигин билган. Барча зафарларимизни Унга тушунарли ва яқин эди. Лекин, Муқаддас Рухдан оламга келган У гуноҳкорлик табиатини насл этмаган, ҳар қандай вазият, холларда тўғри йўл тутган. Ҳаттоки дашманлари Унга ёзғириқ қилиш учун ҳеч нарса топишолмаган.

Охири Уни Худони таҳқирлашда айлбашди. У Ўзини Худованднинг Ўғлиман дегани учун Уни шаккокликда айблашди. Агар У ҳақиқатдан ҳам Худованднинг Ўғли бўлмаганида – бу ниҳоят жиддий айб бўлиши аниқ. Бу ерда биз алоҳида ҳодиса кўрганимиз аён. У ҳеч қачон ёлғон гапирмаган (ҳаттоки Унинг душманлари ҳам буни тан олишарди) шу билан бирга Ўзини Худованд деб атарди. У айбсиз эди. Уни ёмонлаган ва инкор қилган! Унга қарши ҳеч қандай гувоҳлик беришолмасди.

Унга ҳеч қандай айб қўйишолмаган. Шундай бўлса ҳам, У одамларнинг гуноҳларини Ўзига олди. Билиб-билмай қилган, ўтиб кетган, ҳозирги ва келажакда бўладиган гуноҳларни. Биз ҳали дунёга келмаганмиз, ҳали гуноҳ нималигини билмаганмиз, У Ўзига бизнинг жабр-жафоларимизни олди. *“Лекин биз ҳам гуноҳга ботган чоғимизда Масих биз учун ўлди. Бу Худонинг бизга бўлган муҳаббатидан далолатдир”* (Рим. 5:8). *“Худо бизни Ўзига маъқул солиҳ деб билиш учун гуноҳни ҳеч билмаган Масихни биз учун гуноҳга айлантирди”* (2 Кор. 5:21).

Хоч нима биласизми? Биз хочда тақводор бўлишимиз учун Масих бизнинг гуноҳларимизни унга қоқиб қўйди. Яратувчи яратгани билан, севган

Ота ва дарбадар ўғил орасида бирлик занжирини тиклаш учун У боғловчи бўғин бўлди. “Ҳа, сизлар Худодан иноят топиб, имонингиз туфайли қутулгансизлар. Бу – Худонинг инъоми, сизнинг ютугингиз эмас. Яна ҳеч ким: мен савоб ишларим туфайли қутулганман, деб мақтанмасин. Биз Худонинг ижодимиз. Худо бизни Исо Масиҳ орфали хайрли ишлар қилишимиз учун яратди. Бу ишларни эса биз учун азалданоқ тайёр қилиб қўйди. “Биз қутилишига қандай эришишимиз ҳақида кўп тортишувлар гувоҳи бўламиз. Бирлари – чўмиш орқали; иккинчиси – имон, эътиқод, учинчиси – ишларимиз орқали дейишади. Лекин Муқаддас Ёзув: “Қутқарилиш Худованд марҳамати” деб айтади”(Эфес. 2:8-10). Каломда ёзилишича биз нажотни иноят (Худонинг марҳамати) эътиқод ва имондаги хайрли ишларимиз орқали оламиз.

Бир одам ўлганидан сўнг осмонга тушибди. Жаннат эшиги олдида уни Муқаддас Бутрус учратиб айтди: “Кириш ўн минг балл. Айтиб беринг, ҳаётингизда нима яхши ишлар қилдингиз. Биргаликда балларни санаймизу, агар ўн минг балл тўпланса кирасиз. Одам унга жавобан: – Мен жамоатга мунтазам бориб турдим.

- Яхши, бир балл.
- Муқаддас Ёзувни ҳар куни ўқидим.
- Яна бир балл.
- Мен доимо таълимотларга тўғри гувоҳлик бердим.
- Яна бир балл.

Одам ўйланиб қолди-да,

- Мен 50 йил турмуш ўртоғим билан яшаб бирор марта хиёнат қилганим йўқ.
- Бунга икки балл.
- Овқат ва кийимлар бериб хушxabарчиларни қўллаб-қувватладим.
- Яна икки балл.
- Кўчаларда хушxabарни гувоҳлик беришда қатнашдим, баъзида жамоатда гувоҳлик бердим.
- Яна бир балл. 10 балл йиғилди. Яна 990 балл керак.

Одам ҳайрон бўлиб деди: Бундай баҳолашда осмонга фақатгина Худованд мармахатласа тушиш мумкин!” Бутрус эшикни очиб унга: “Ўтавер!” деди.

Ҳеч бир ишлар билан Худованд улуғворлигига эришмаймиз. Худованд Ўғли муқаддаслиги Исонинг ўлими орқали Унга ишонганларга берилади. У муқаддас, биз учун ўлди, Худованд билан фарзандлари ҳуқуқида муносабатда бўлиш учун, гуноҳкорлар биз Унда Ўғил ҳуқуқини олиш, У бизга оталик қилиш учун. Худованд Отамиз биз учун ўлган Ўғли муқаддаслигини англатади.

Масихнинг қурбонлиги уриндошлиги ҳақида гапирганимизда айнан шуни назарда тутамиз. У биз билан алмашганлик каби, бу даҳшатли тўловни тўлаган. Бизга ҳукм қилинган нарса Унда бажо этилган. У орқали Худованд Отамиз билан мулоқотда бўла оламиз.

Аммо Худонинг марҳамати билан ҳамма ҳам осонликча бу нажотга етишолмайди. Даҳшатлиси ана шу. Ҳайратда қолдирадигани шу!

Ҳамма тўлов бажо этилган: ол – истамайман! Ичимиздаги ўрин олган ғурур “Бундай Отанинг менга кераги йўқ, мен бир амаллаб кунимни Усиз ўтказаман” деб тасдиқлайди. Денгизни сузиб ўтаётган бир гуруҳ сузувчиларни хаёлингизга келтиринг. Голибни рағбат кутмоқда. Ҳар бири ўз кучига ишонади. Уларнинг олдига яхта сузиб келди-да, сузиш ташкилотчиси: “Олдинда бўрон кутмоқда, бирортангиз қирғоққа сузиб боролмайсиз!” – деб эълон қилди! Ҳаммаларига сузишни тўхтатиб яхтага чиқиши кераклиги айтилди. Лекин, қарорни сузувчи ўзи қабул қилиш керак. Қарор қандай? Таклиф этилган қутқарилишни қабул қилишми ёки соврин учун сузишни давом этиш: сизнингча, нажот айланасини ушлаш кимга оғир тушади?

Биринчи навбатда мағрур одамларга. Мен бошқалардан кўра кучлиман ва ўз кучим билан эришаман, мен бошқалардан яхшироқман. Муқаддас Ёзув эса: *“Худо мағрурларга қарши, аммо камтарларга иноятлидир”* (1 Бутрус 5:5).

Ҳаммамиз мағрурмиз. Худо ким кўп ёки ким камроқ мағрур деб танламайди. Худовандга келар эканмиз, биз тан бермасликка иложимиз йўқ. Унинг муқаддаслигини буюклигини кўриб ўзимизни Унинг олдида пастлигимизни англаб.

Пастлигимизни англасак, бизни бундан пастга ҳеч ким уролмайди. Одамлар ҳурматсизлик қилишдан кўрқиб янада орқароққа тирмашадилар. Худо иноти инсон каби паст тушганида, бизга янада равшанроқ Ўзининг буюклигини кўрсатади. Унинг олдида биз итоат қилиб, биз Худо марҳамати,

иноятига етамиз ва бизни беҳурмат қилишнинг иложи йўқ. Худога биз: “Мана мен Худованд”, деймиз. Агар биз соғлом онг билан ўзимизнинг аҳволимизни Унинг олдида тушунсак, Унинг марҳаматининг сероблиги, бизнинг одамлар фикрлари тега оладими?

Иккинчи тоифадаги одамларга Худованднинг марҳаматини қабул қилиш оғир – “яхши одамлар”. Муқаддас Ёзув бўйича, дунёда икки турдаги одамлар мавжуд: муртад, ёмонликка доимо шай ва самимий одам У, умуман олганда яхши одам. Ўғрилиқ қилмайди, жиноят қилмайди, ўзи яшаб, бошқаларга кўмаклашади, яъши китоблар ўқиб, яхши филмлар кўради, классик мусиқани ёқтиради. Лекин самимий одам ҳам нажотни қабул қилиш мағрурланишдан осон эмас. Унга, одамлар ҳа деб яхшисан дегани сабали Худо билан нотўғри муносабатларда бўлганини кўрмаяпти. У ҳам гуноҳкорлигини тан олиши оғир, ахир самимий одам ҳам бошқалар каби нажотга муҳтож.

*“Инсон ўзининг тугма ҳис-туйғулари билан Худо Руҳи ўрнатган нарсаларни қабул қила олмайди. У буларни тушунмагани учун тентаклик ҳисоблайди. Зеро илоҳий ҳақиқатни Илоҳий Руҳ ёрдамида муҳокама қилиши лозим” (1 Кор. 2:14).*

Самимий одамнинг ички изланиши Яратган билан муносабатлар чанқоғини босиш учун уринишидир. Осмонда одам ушбу муносабатлар учун туғилган бўлмаганда, уларни биз расм, мусиқа табиатга сайллар билан алмаштиришга ҳаракат қиламиз. Биз учун яратилганда Яратувчи борлиги акс эттирмаса, бунинг ҳаммасида Худованд кўли бўлмаса на мусиқа, на расм, на табиатга сайллар бизни қониқтирмайди. Яхши расм расмини кўрсагу, унда олий яратувчи бўлган санъат потенциалини акс эттиришни сезмасак, мусиқа эшитсаку, унда Яратувчи бино этган уйғунликни эшитмасак, бунинг ҳаммаси мазмунсиз ва бемаънидир.

Маъсуд Августин, бутун умрида ашаддий худосиз бўлиб яшади. Фақат балоғат ёшидагина унга нимадир тинчлик бермай турганини тушуниб: “Сен бизларни Ўзинг учун яратдинг, Сенда тинчлик тополмаса, руҳимиз тинчлик билмайди” деб ёзди.

Гуноҳ – бу белгиланганликка номувофиқликдир. Биз ҳам нимага белгиланган бўлсак, биз ҳам бемаъно, милсиз соат каби, денгиз елкансиз, ғижжак торсиз каби бўламиз. Одамнинг белгиланганлиги эса, Худо ичида Худо билан бирга Унинг бир қисми бўлиш. Ўзининг белгиланганлигига чексиз кўмсаш барчамизнинг ичимизда яшаб келмоқда.

Маънавият ўрнини босадиган нарсалар орқасидан ақлсиз қувишлар. Айниқса бизнинг давримизда авжига чиққан, – экстросеанс, фол очиш, мунажжим башорати, мумкин бўлган шарқ динлари орқали (медитация жодугарлик ва ҳоказолар) ўша қўмсашнинг чанқоғини босишдан бошқаси эмас. Уни босиш бир йўл билан мумкин (Яратганни муҳаббати) Ўзининг Ўғлининг муқаддас қони билан биз учун тўлаган Яратганнинг муҳаббати билан. Бу чанқоқни босиш – мана ҳаққоний қувонч, мана ҳақиқий лаззат ва унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди, чунки биз шунинг учун яратилганмиз. Шунинг учун белгиланганмиз. Муқаддас Ёзувда Довуд қиссаси шундай бошланади: *“Қандай бахтли гуноҳи ўтилган, қонунсиз ишлари авф бўлган одам!”* (Забур 31:1)

*“Сўзларни тушунган яхшилик топади, Эгамизга умид боғлаган бахтлидир”* (Ҳикматлар 16:20).

*“Биз биламизки, Худони севганларга, яъни Худо Ўз муроди бўйича давъват этганларга ҳамма нарса яхшилик бўлиб хизмат қилади. Худо азалдан билган кишиларни Ўз Ўғлининг суратига айлантириши учун белгилади, токи Ўғил кўп биродарлар орасида Тўнгич бўлсин”* (Рим. 8:28-29).

Худованд бизга ажойиб инъом тайёрлаб қўйган.

Биз айтишимиз керак бўлгани “Ҳа Худованд! Ҳеч бир ишим ёки хизматим, Сен мени нима ҳақи яратганинга етолмаслигимни тушуниб, англаб турибман. Худованд олдига боришимиз учун. Биз одамлар бизнинг олдимизга Сенинг Ўғлининг келганини тан оламан! Сен билан бирга бўлишим учун У хочда ўлди. Унинг қони орқали Сенинг Ўғлининг бўлиб, Сен билан Отам каби муносабатларимни тиклаш учун”. Лекин бу қадам ёки қарорга журъат этиш керак. Бу аччиқ ҳақдори, уни ютиш лозим: тан олиш зарурки, биз ўзимизни кутқариш учун айнан ўзимиз ҳеч нима қилолмаймиз.

“Кимнинг ҳақи кўп бўлса, ўша ҳақ. Ўзинг қандай тўғри деб ўйлайсан, шундай йўл тутгин. Уларга нимага кулоқ соласан? Одам ўз бахтининг қурувчиси”, – деб олам атрофимиз ўқитади. Шу сценарий бўйича атрофдаги барчаси амалга ошяпти. Аслида ҳам шундай бўлиши керак деб кўринади, лекин дилимиз бир узоқ бурчагида виждонимиз, Худованд овози бу нотўғрилигини айтиб туради. Худованд инъомига, марҳаматига қандай эришиш мумкин? Муқаддас Ёзув доим бизга йўл кўрсатиб берувчи ҳар биримиз бир нечта шартли амалга оширишимиз зарурлигини У таклиф этишни айтади.

“Бутрус уларга деди: – *Тавба қилинглар ва гуноҳларингиз кечирилиши учун ҳар бирингиз Исо Масиҳ номидан сувга чўмиб имон келтиринглар. Шундай қилиб Муқаддас Рухнинг инъомини оласизлар*” (Ҳав. 2:38).

“Улар: – *Раббимиз Исо Масиҳга ишонгин, сен ўзинг ва бутун хонадонинг нажот топасизлар*” (Ҳав. 16:31).

“*Агар сиз Исони Раббим деб, оғзинг билан очиқ иқрорэ тсанг ва Худо Уни тирилтирганига чин юракдан ишонсанг нажот топасан*” (Рим. 10:9).

Биринчи шарт ишонч. Исо бизнинг гуноҳларимиз ҳақи ўлиб, ўликлардан тирилганига ишонишимиз керак. Бу ишонч асоссиз эмас. Муқаддас Ёзув далиллар, кўрганлар гувоҳликларини билади – Хушхабар; Худованд халки тарихини Худованд одам билан муносабати тарихини билдиради. Кўриб турганингиздай, Худо доим одамга танлаш имконини беради. Мана: “*Сизларнинг олдиларингда гувоҳ бўлишлри учун мен бугун осмон ва ернинг олдида мурожаат қиляпман: мен сенга ҳаёт ва ўлим, дуо ва лаънатни таклиф қиляпман. Ҳаётни танла токи бу билан сен ҳам сенинг авлодларинг ҳам омон қолинглар*” (Иккинчи Қонун 30:19).

Ҳаётни танлаган одам, Худованд марҳаматига эга бўлади. Кимки ҳаётни рад этса, ўзини ўлимга маҳкум қилади. Худованд одамга жазо бермайди, Худо танлаш имконидан Худонинг илтимосига кўра, юзини ўгирган одам, ўзини-ўзи жазолайди.

Шундай Худованд инсон истаганини қилиш учун қарши чиқмади.

Иккинчи шарт. Ишончнинг ўзи етмайди (фактга амин бўлиш). “*Сен Худонинг ягоналигига ишонасанми? Яхши қиласан! Жинлар ҳам ишонгани учун даҳшатдан титрайдилар*” (Ёқуб 2:19).

Дарбадар ўғил тоғора ёнига қайтишга қарор қилиб, турдию орқага қайтди, у отаси ёнига юрди. Шу тарзда биз ҳам тавба қилишимиз зарур орқамизга қайтиб юриш учун. Айёр аср, тавбанинг маъносини гуноҳлар баёни деб ўйлайди. Шартсиз гуноҳлар баёни эътиқодли одамлар ҳаётининг асосий қисми, лекин нажотга бу орқали етолмаймиз. Ўтган ҳаётдан ортга қайтиб, Худога мурожаат этишимиз зарур: “*Бас, Худойим, Сенсиз мен ҳеч нарсага қодир эмасман. Сенинг Ўғлинг бўлишга арзимайман. Мени ҳеч бўлмаса Ўз қулларинг каторига қабул қил. Мен ҳаётимни алмаштиряпман, ҳамма муносабатларимни ўзгартиряпман. Мақсадларим ва бойликларимни алмаштиряпман. Сенинг олдинга бориш қарорини қабул қилдим*”. Айнан шуни тавба қилиш дейилади ёки аниқроғи мурожаат.

Учинчи шарт. Бу шарт Муқаддас Ёзувда, “чўмиш” дейилади. Чўмиш – оддий анъана эмас. Ҳеч қандай сувга чўмиб сеҳрли хислатларга эга бўлиб қоладиган сеҳрли хислат эмас. Ҳа, чўмишимиз билан биз шунчалик ажойиб хислатлар пайдо қиламизки, оламдаги ҳеч нарса беролмас. Буни – ичимизда Муқаддас Рух кўчиб олади. Буни чўмган сувимиз беролмайди. Бу Худо билан бўлган алоқа муносабатлар тикланиши орқали берилад. Биз синдириб олинган шох каби қайтиб дарахтга ўсиб қоламиз. Муқаддас Ёзув ҳам шундай дейди: *“Мана шу сув ҳозирги сувда имон келтириши маросимнинг тимсолидир. Биз маросимнинг маъноси баданни кирдан тозалаш эмас, балки Худодан пок виждонни сўрашдир”* (1 Бутрус 3:21).

Чўмиш вақтида биз Худо ва одамлар олдида қароримизга гувоҳлик берамиз. Биз гуноҳларимиздан тозаландик (Ҳав. 22:16); Биз Масих билан бирга ўляпмиз ва У билан бирга ўликлардан тириляпмиз (Рим. 6:3-4); Биз Масихга қарам эканмиз (Галат. 6:27); Муқаддас Рух инъомини оляпмиз (Ҳав. 2:38, 9:17-18).

Муқаддас Ёзув гапирган навбатдаги шарт – бу эътиқод. Исони Худо билан эътиқод қилишимиз керак. Ўз ҳаётининг Эгаси. Исо ҳақида бошқаларга гувоҳлик беришимиз зарур. Ушбу инъомни олганимиздан сўнг биз худбин бўлиб қоламиз. У ҳақида ҳеч кимга гапирмаймиз, ахир У ҳаммага берилган. Ҳаёт суви ҳаммага етади. Ҳар ким келиб ичиши мумкин. Инъом ҳар биримизда тайёрланган, уни олиш эса ўзимизнинг қилган қароримизга ҳавола.

Инъом сизни кутмоқда. Фақатгина сиз асосий қарор қабул қилишинги зарур. Худованд билан аҳд тузинг. Унинг учун бебаҳо тўлов бўлган. Қутқарилиш учун Худо Ўзи тарафдан зарур бўлганини қилиб бўлди. Қолгани ўзингизга боғлиқ. Орқага ўгирилиш, Унга қараб йўл тутинг ва сизга атаган инъомни текинга олинг сизни кечиришини қабул қилинг Худованд марҳаматини олинг. Журъат этинг! Истаган вақтда “Худойим кечир мени. Ҳаётимни Сенсиз яшаб келдим. Энди тушундим – бу гуноҳ. Сенсиз, мени нима ҳақи яратганингга мувофиқ эмасман. Сенсиз ҳаёт ҳам йўқ, фақатгина вақтинчалик борлик. Мен қандай бўлсам, мени шундайлигимча қабул эт ва Ўзинг қандай бўлишимни хоҳласанг, шундай қилгин. Мени қандай бўлишимни истайсан. Сенинг Ўғлинг Исонинг қони орқали мени поклагин, мен Сенда, Сен эса менинг ичимда яшаш ҳақи”

Худо ва инсон орасидаги муносабат шундан бошланади. Дарбадар ўғил ҳақидаги масални эсланг: Ўғил ҳали узоқдаю, отаси уни кўрди ва уни қарши олгани югурди, етиб эса бағрига отилди. Рембрандт чизган расмда ўғил эмас

меҳрибон ва кечиримли отаси тиззада турган. Рембрандт иноятни тасвирлаган. Муқаддас Ёзув эса бошқача ифодалаган: меҳрибон ота югуриб бағрига отилди, чунки бутун вақт ўғлини кутган. Бу меҳрибонлик! Отангиз сизни севади ва доимо кутмоқда.

Кутишининг ҳар бир дақиқаси эса ҳаётингизни бемаъно қилиб, Отангизга озор етказар. Кутманг, бу қарорни қабул этинг!

Хабаримиз борки, эртақлардаги ёвуз даҳшатлар тўй ва эзгулик билан тугайди. Ҳаётда эса ҳамма нарса тўйдан бошланади. Уйга қайтиш қарорини ҳамма ўзига қабул қилиш керак. Айнан шундан ҳаёт бошланади. Кўпинча масиҳийликни қутулишининг Хушхабарига олиб боришади. Ҳақиқатдан, бу ўша нимага чақирилганмиз. Гуноҳкор бўлиб Худони танимай, лекин Масиҳдаги ҳаёт – ҳаёт бошлайди. Худо бизни оқлайди. Бизга Ўзининг Ўғли руҳонийлигини англатмоқда ва биз У билан янги муносабатга қирамиз. Аммо бу – йўлнинг боши қайси йўл дейсизми? Муқаддас Ёзув бу йўлни ёритилиш дейди. Ёритилиш уйга қайтиш йўлининг давоми, фақат Ота билан биргаликда. Ота сизни йўлда қарши олди, У сизни қабул қилди, энди биз уйга қайтйпмиз. Бу йўл шодиёна, чунки биз Отамиз билан биргаликда кетяпмиз.

*“Худонинг иродаси шу: муқаддас бўлинглар, зинодан қочинглар ўзингизни сақланг. Ҳар бир одам ўз хотинини эплаб муқаддас ва ифбатли сақласин. Худони танимаган халқлар каби шаҳвоний ҳирсга белирманглар. Бу хусусда ҳеч ким биродарига фириб бериб, ноҳақлик қилмасин. Олдиндан сизларга айтиб, огоҳлантирганимиздек, ҳамма бу ишлар учун Худо қасос олади. Чунки Худо бизларни нопокликка эмас, балки муқаддасликка чақирган”* (1 Салон. 4:3-7). Бизни кечиргандан сўнг, гуноҳкор қолишимиз аён. Лекин ҳозир ёнингизда – Худо ва У бизни уйга олиб кетяпти. У бизни Унинг номини муқаддас эттирмасликларидан халос этяпти.

*“Энди мен эмас, балким Масиҳ менинг ичимда яшайпти. Энди танада яшайганимга келсак, мени севган ва мен учун Ўзини фидо қилган Худонинг Ўғлига бўлган имон билан яшайман”* (Галат. 2:20).

Ҳаворий Юҳанно ёзади: *“”*. *Имон инсон ва Худо орасидаги муносабатни тиклашга қўйган биринчи қадам*. Имон Отамиздан бизни ажратиб турган жарикни Ўзининг ўлими билан йўқотган, Унинг Ўғли орқали Худо билан бир, бирлик, яқкаликда бўлиш. Бизнинг имонимиз – бу зафар, оламни енгган ғалаба.



## Муқаддас Китоб

### нима?

Шотландиялик улуғ ёзувчи ва шоир Волтер Скотт, ўлим тўшагида бўла туриб, дўстидан ёнидан кетмаслигини илтимос қилди: “Илтимос менга китоб ўқиб бергин” – деса дўсти қайси китобни?, деб сўрабди. У тайёргарлик билан: “Сен билмайсанми, у китоб ягона-ку?” деб жавоб берибди.

Гап Китоб ҳақида юритилган эди. Китоб номига эга бўла туриб оладиган бир дона китоби ҳақида, чунки бу Китоб аслида китоб ва бошқалари китоб бўлолмас. Ундан бошқаси шуни қолган китоблар ҳам шунча китобки бу китоб аниқлиги, мавжудлиги ҳақи. Айнан шу китобни дунёга ёйиш учун Ян Гуттенберг 500 йил олдин чоп этиш дастгоҳини кашф этган. Юз йиллар оша Россияда Иван Федоров чоп этиш прессини кашф этди, қаранг, айнан шу китобни чоп этиш учун.

Ер юзида яшаб турган кўпчилик халқнинг ўзининг ёзуви, алифбоси бор, сабаби китобни ўқиганлар бошқалар ҳам ўқишни хоҳлаганлар. Бундай халқлар ичидан биз ҳам ўрин олганмиз. Китобнинг ғарбий Европа халқлари орасига чет эл хушxabарчилари Кирилл ва Мефодий “Кирилл” алифбосини ихтиро этганлар. Бу алифбо славян ёзувининг асосий донаси бўлиб қолиб бу ёзув атрофида ягона маданият ҳам пайдо бўлган. Шундай қилиб славян миллати туғилган.

Буларнинг ҳаммаси Китобнинг шарофати. Кейинчалик кўплаб бошқа китобчалар чоп этилган, улар орасида китобни танқид қиладигани ҳам бор эди. Уларнинг чоп этилганининг ўзи Китоб аҳамияти ҳақида гапирди.

Китоб бўлмаганида, китоб учун кашф этилган дастгоҳ ҳам бўлмас эди. Кейинчалик чоп этилган китобчалар ҳам бўлмас эди.

Машҳур бўлган китоб, китоблар ҳали бирор марта бу китоб нусхасидан кўп тарқаманган. Бу китоб шунчалик алоҳида ўринга эгаки, унга номлаш зарурияти йўқ: Китоб ёки грек тилида “Библия”.

Муқаддас Ёзув аслида – нима деб савол берганда, турли ҳар хил жавоблар олиш мумкин.

Дунёда энг кўп ўқиладиган Китоб деса бир киши, иккинчиси яҳудийлар фольклори тўплами дейди, учинчилари бу Худонинг Сўзи деб тасдиқлашади. Баъзилар бу одамларни ахлоқ қилиш учун кимдир ёзганлари деса бошқалар бу доно фикрлар тўплами, келажакдагиларга панд-насихат қилиш учун дейди. Кимлардир Муқаддас Ёзувда (қилинган одамларнинг) алоҳида ойдинлашишига етилганлари ва ойдинлашмаган сирли донолиги шифрланган. Библия- коинотнинг идрок мактуби дейдиганлар ҳам топилади.

Қани келинчи, Муқаддас Ёзув нималигини кўрайлик.

Аввало Муқаддас Ёзув – бу битта китоб эмас, балки битта бутун катта кутубхона, китоблар тўпламидир. Муқаддас Ёзувни очиқ китоблар рўйхати мундарижасини кўрамиз. Ёзи билан 66 китоб мавжудлиги, номма-ном кўрсатилган. Бу ҳолатда титул варағида “канон китоблари” деб ёзилган бўлади. Бу дегани бизнинг нашр тўла қонунга эга ўша 66 та китоб масиҳий жамоатлари билан ўлчам деб тан олинган. Ушбу ёзув бўлмаса чўчиманг, ҳеч нарса кам эмас. Бир қатор яҳудий матнлари кўшилган, улар биринчи асрда грек тилида юритилган. Илк масиҳийлар бу матнларни шундайлардан ўзларини қонунлари ўргангунча олиб туришган. Ҳозирда ушбу қонунни Эски Аҳд деб номланган. Ўрта асрларда яҳудий канонини масиҳийлар Эски Аҳд билан солиштирганда аниқлашдики, у китоблар Эски Аҳдга киритилмаган. Шунинг учун бу китобларни жамоатлар кўп қонун китоблари тан олинмайди уларни иккинчи даражали қонун китоблари ёки сохта асарлар деб алоҳида ном берилган. Ҳар қандай кутубхонада китоблар стелаж ва токчаларга таваккал қўйилган эмас, ҳар хил меъёр ва таркиб бўйича жанр ва муаллиф, хронология ва ҳажми бўйича қўйилган (Бир токчада катик муқовали катта бошқасида кичик юмшоқ муқовали китоблар туради). Муқаддас Ёзувда ҳам худди шундай. Нимага, Римликларга Мактуб, Галатияликларга бўлган Мактубдан олдин турибди? Шу сабага кўра икки китоб ҳам битта раф токчадан жой олган. “Ҳаворий Павлус ёзган” фақат олдин йўғон кейин эса ингичкалари туради. Ушбу рафларда “Доҳийлар китоблари”: ҳажми унча катта эмас (кичик пайғамбарлар) битта рафда ингичка ҳажми вазмин (улуғ пайғамбарлар Муқаддас Ёзув таркибида турли жанрлар бўйича мавжудми бу? Қонун чиқарувчи кодекслар тарихий воқеалар, донолар боралари тўпламлари. Шеърият, ёзувчилар, сирли кўринишлар тасвирлари ва насихатли тарихлар. Ҳар хил одамлар ёзилган. Уни ҳар хиллигини хаёлга келтириш қийин. Муқаддас Ёзувни 40 тага яқин муаллифлар уч тилда

ёзишган (арамий, грек ва қадим яҳудийлар)). Улар уч қитъада (Европа, Осиё, Африка) яшашган. Шоҳ, чўпон, акобирлар, ҳарбий асир ва раҳбарлар хунармандлар, шифокорлар, Раввинлар, амалдор солиҳ ишчилар, турли касб эгалари, турли маданиятларга доир турли давлатлар, ўлкаларда яшовчи турли тилларда гапиришар эди. Бир-бирларини борликларидан беҳабар, бир-бирларини кўрмаганлар. Ундан ортиқ бошқа даврларда яшаган ҳаё тларининг даврийлиги 1500-2000 йилни ташкил этган. Муқаддас Ёзувнинг илк матнлари кеч ёзилган китоблардан 1500 йил олдин ёзилган.

Алоҳида ўринда турадиган бир аҳамият борки, бу кутубхонани бошқалардан ажратиб туради.

Бошқа ўлкаларда бошқа тилда ёзилганлиги Унинг муаллифлари 40та бўлгани икки минг йилликда ёзилганига қарамай бу – ягона китоб, бу тушунганнинг тўла маънога эга ягона ва бутун китобдир.

Унда ягона мавзу бар: гуноҳкор одамзод Худованд марҳамати билан нажот топди. Бу мавзу китобнинг бошидан охиригача ичидан ўтади.

Китоб бир ягона композицияга, бадиий безакка эга. Калом мусиқа асарига ўхшайди. Мисол учун: Раҳманинов концерти Иккинчи фортепиано учун биринчи қисмини олинг. Муқаддас Ёзув билан композициясининг кўп умумийлигини кўрасиз. Мусиқий асар каби. Муқаддас Ёзув киришга эга. Ибтидо Китобининг боши, Раҳманинов концертида ёлғиз роялнинг кули оғир аккордлари каби жаранглайди. Роял – Худо. Ундан бошқа ҳеч ким йўқ. Сўз айтса У – бутун моҳият жаранглашнинг барчаси йўқликдан борликка ёрилгандай босиб киради. Муқаддас Ёзувнинг бутун давомида бирорта Ибтидо китобининг биринчи ўн бир бобининг муаззам шеърлари асос солинмаган бирорта муҳим мавзу йўқ. Эски Аҳд кейинги қисмлари экспозицияга ўхшайди, мавзулар етилиши ундан сўнг авжига чиқади, яъни кулминация – Хушхабар. Оркестр қудратли авжи Масиҳнинг азоби ва тирилиши ҳикояланишда энг баланд чўққисига чиқади. Репризо, барча мавзулар тугатилишига етади – Ҳаворийлар мактублари. Охирида кучли яқин финал жаранглайди – Художўй Юҳанно ваҳийлиги.

Бу улкан асарлар қанчалик рангбаранг ва турли овозли бўлмасин, ҳар бир қисми асосий ғоя ишлаб ягона композицияни ташкиллайди. Бутун Китоб давомида эса битта иштирок этувчи персонаж. Раҳманинов иккинчи фортепиано концертида асосий асбоб – роял. Асарнинг тўла муҳитида у ҳокимлик қилади. Асардаги барчаси унга бўйин эгади ва у билан у учун ва у орқали шаклланади. Қолган асбоблар унинг эгаллаган ҳолатини кўрсатади:

шоҳ сахнасида унинг атрофидаги “ўйнайди” Муқаддас Ёзувда Масиҳ иштирок этувчи персонаж. У Ўзи бундайлигига бизни ишонтиради. *“Сизлар Муқаддас Битикларни текширасизлар, чунки улар орқали абадий ҳаётга эришамиз, деб ўйлайсизлар. Ана ўша Битиклар Мен тўғримида гувоҳлик беради”* (Юҳанно 5:39). Муқаддас Ёзув Масиҳ ҳақида, Унинг биринчи шеърлариданок “кундаги ва орадаги борлиқ мавжудот кўринадиган ва кўринмайдиган махлуқот у дунёю бу дунёдаги ҳар қандай тахту тож, салтанату ҳукмронлик У орқали яратилган. *Ҳамма нарса У орқали ва У учун яратилган. Унинг Ўзи эса ҳамма нарсадан аввал мавжуд эди. Борлиқ мавжудот Унинг Соясида мавжуддир”* (Колос. 1:16-17).

Шундай қилиб, Муқаддас Ёзув битта мавзу, битта композиция ва битта асосий Персонажга эга. Бошқа асарни хаёлингизга келтиринг. Турли жой, маконда бошқа-бошқа қилган деталлардан йиғилган шундай бўлса-да, бу битта асар.

Москвада халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасига борган одам “севикли ойли трактор” Луноходни кўрган. Хаёлингизга келтиринг: намуна олдига бордингиз ва сизга ҳикоялашади: асл нусха бўлган ғилдираги Саратовнинг бир четида қилинган, қилинган вақти эса темирга жилов бериш мутахассислар бўш вақтларди шунчаки эрмак учун технологик жараённи синовдан ўтказишган. Бир вақтда “Энергия” ишлаб чиқариш бирлашмасида кимдир ўйлаганки: бу катталиқдаги кварц пластиналаридан кўпроқ қўлланса. Бошқа ерда, айтайлик Қўрғанда кимдар тошорганик бирикмалар қилсам керак бўлар деб бажарган. Шу тарзда ва ҳоказо. Кейин фавқулодда ҳаммасини бир жойга олиб келишгану, битта тупроққа ағдариб қарасаларки, Луноход йиғилди. Барча деталлар бир-бирига мослаб ишлагану бир мақсад учун хазмат бажаради. Албатта, буларни эртақ дейишингиз мумкин, бундай бўлиши мумкин эмас, аввало битта мақсад, битта лойиҳа бўлгани аниқ деган фикр билдирасиз. Чунки барча деталлар, бошқа замон ва маконда, бошқа одамлар орқали вужудга келган, бир-бирига мос келиб бир бутунни ташкил қилади. Конструкциянинг муаллифи битта. Кейинчалик, қаерда қайси вақтда лойиҳалаштирган бошқа деталлар чиқаргани билан улар ўрни олдида генерал конструктор муаллифи томонидан кўрилган режалаштирилган Муқаддас Ёзув худди шу конструкциядай ким, қачон, қаерда ёзилганига каромат битта, муаллиф ягона конструкторга эга. У эга эса конструкциясига ҳаёт берган, чунки ишлаган одамларда ҳаёт берган датал яратиш учун, айтиб ўтган китобларни ёзиш учун илҳом, ғайрат берди, ахир бу китоблар бир мақсад сари яшамокда.

Ҳаворий Павлус айнан шу тўғрисида ёзган: “*Ҳар бир Муқаддас Ёзув илоҳий илҳом билан ёзилган бўлиб, таълим бериш, далолат қилиш, тузатиш, солиҳлик йўлида тарбиялаш учун фойдалидир. Шу йўсин Худонинг қули комил ва ҳар қандай яхши ишга қобил бўлади*” (2 Тимўтий 3:16-17).

Махсус кутубхоналарда биз китобларни пала-партиш тўғри келган жойдан ёки бир чеккадан ўқимаймиз, аввал қизиқарли туюлганидан бошлаймиз. Муқаддас Ёзувда ҳам бир чеккадан ўқиш шарт эмас, истаган жойдан ўтиш мумкин. Нимадан бошлаганингиздан қатъий назар, сиз битта асар ўқимокдасиз. Бир мақсад бир ғояни гапирадиган ўша-ўша муаллиф асарини. Китобнинг ҳар бир варағидаги сўзу гапи Худованднинг инсонни қутқариш режаси ҳақида сўзлайди.

Муқаддас Ёзув ўзи тасдиқлашича илоҳий Китоб, ҳозир бировни ҳайрон қилиш осон эмас. Бизнинг даврда кўплаб китоблар чоп этилган, улар ўзларини олий идрок илҳомбахш этган дейдилар, ундан бошқа Осмондан туширилган бўлган эҳтимоли йўқ эмас. (Охирги замонда бундай ҳолатлар кўп бўлиши Муқаддас Ёзувда башорат этилган) Китоб илоҳий эканини аниқлаш мумкинми ўзи? Қайси меъёрларга мувофиқ бўлиши керак?

Биринчи навбатда аввало асарнинг илоҳийлигидан аниқлик ва шубҳасизлик кутиши арзийди (керак). Худо воқиф, Унинг ваҳийси ҳар бир дателларда чин ва аниқ бўлиши шарт. Муҳими яна шундаки, бизга етиб келган матнлар аслигини солиштирганда қанчалик бузилган. Уларга ишонса бўлдими? У ёки бу қадимги китобни бир тарихий даврнинг ёзма асарларига солиштирганда қанчалик шубҳасиз? Бу етарли даражада қизиқарли масала. Муқаддас Ёзувнинг энг ёш матни яқин 1900 йил олдин, энг қадимгиси 4000 йил олдин ёзилган. Қисқача фикрлаш учун Янги Аҳдда тўхтасак, унга 1900-1950 йиллар. Матнлар бизнинг эрагача бўлган биринчи асрнинг иккинчи ярмининг давомида ёзилган. Уларни антик адабиётларини бошқа асарлари билан солиштиришга ва биз бугун икки минг йил утиб фойдаланяётганимизни унинг ҳаққонийлигини аниқлашга нима тўсқинлик қилиши мумкин? Маълум булишича, антик адабиётнинг бундай асарлари, масалан, Геродот “тарихи” ёки Флавийнинг “Ёҳудийлар ўтмиши”, бизгача бир ўнлик рўйхати етиб келган холос. Китоблар чоп этиш дастгоҳи чиққунга қадар китоблар қўлда кўчирилган. Ёзувнома ярамай, эскиргандаёқ кўчиришар эди, фақат шу тарзда бизгача етиб келишар эди. Матнлар асли бирортаси сақланмаган – фақат рўйхатлар! Амалда қарангки, бизгача барча антик матнлардан ўнтага яқин рўйхати етиб келган холос. Бу кўрсаткичнинг биринчи ўрни Гомер “Илиада”си олган – тахминан 600 нусха. Бизгача етиб

Фараз қилинг дўстларингизни зиёфатга таклиф қилдингиз, дастурхонни тузадиган хизматқорларингиз бор. Дўстларингиз келсаю, хизматқорларингиз уларни киргизмаса! Бунга қандай қарайсиз? Ким зиёфат беряпти, эгасими – хизматқорми?, Кимга мумкин, кимга мумкинмаслигини ким ҳал қилади? Биз фақатгина хизматқормиз. Шунинг учун ким бўлмасин, қаердан бўлмасин Худо билан аҳд тузган бўлганни дастурхонимизда кўришдан хурсандмиз. Худо ҳаммамизни чақиради ва ҳаммамизни кутмоқда. Бизнинг мажбуриятимиз одамларга таълим бериш, уларни синашга ҳаққимиз йўқ. Алоқадорлик турлича ўтиши мумкин. Баъзан зиёфатни зал бўйича тарқатамиз: баъзан барча кишини дастурхонга чақирамиз, баъзида доира бўлиб туриб оламизда, нон ва косани айлантирамиз. Асосийси – уни қандай бажаришимизда эмас, балки биргалашиб Қутлуғ ўлимни эълон қилишимиздир. Агар биз учун Масих билан бирлашиш йўли нон синдириш бўлмаса, мақсад бўлса, буларни бажарганларимиз беҳуда. Шу ҳақида Павлус Коринф жамоатига ёзган: *“Кимда ким нолойиқ тарзда бу нонни еса Раббимиз косасидан ичса, Раббимизнинг Танаси ва Қонига қарши гуноҳ қилган бўлади. Шунинг учун инсон ўз-ўзини имтиҳон қилсин, шундан сўнг нон есин ва косадан ичсин. Кимки нолойиқ тарзда еб-ичса, еб-ичиб ўзини ўзи маҳкум қилади, чунки у Раббимизнинг Танасини писанд қилмаган бўлади. Ана шу сабабдан сизларнинг кўпингиз заиф ва хастасизлар, ҳатто ўлганлар ҳам оз эмас”* (1 Кор. 11:27-30). Эътибор беринг, ҳаворий биз Масихнинг қурбонлигига мувофиқлигимиз ҳақида эмас, руҳий ўлимга олиб борадиган,

Ўзимизни синамасак, зиёфатга нолойиқ ҳолда яқинлашсак, Худо Танаси ҳақидаги фикрламасак, Худованд Танаси ва Қонига қарши айбдор бўлишимиз ҳақида гапиряпди. Худодан сиз кучсиз, хастасиз, кўплар ўлдилар дейишини истайсизми? Шунинг учун ўзимизнинг ҳаётимизни бу ерда Худо Танаси ва Қони ўлими стандарти билан солиштирамиз, “*Сенинг ишларингни биламан сенинг гўё тирик деган номинг бор, аммо ўликсан*” (Ваҳий 3:1) – охирги кунда деганини эшитмаслик учун сен фақатгина масиҳийгина, Масиҳ номини олиб юрасан, ўлимдаги абадий ҳаётга ўтиш учун берилган билан сен у билан номлангансан, худди сен тирик, лекин ўлгансан. “*Бедор бўл! Ўлимга юз тутмаган ниманг қолган бўлса, тузатиб қўй. Сенинг ишларинг Худойим олдида тугал эмаслигини аниқладим*” (Ваҳий 3:2). Шу бизнинг мақсад – биз доимо Рухда бедор бўлишимиз керак, яқин бўлган барчаси ўлимга яқинлигини гувоҳлик қилиб, Масиҳ ўлими орқали абадий ҳаётга Хушхабар бериб Павлус, “Масиҳ Танаси ҳақида ўйламас эканмиз, Қутлуғ зиёфатда нолойиқ қатнашасиз, чунки сиз заиф, кучсиз кўплар эса ўлдилар” – деган. Ўлганлар деган сўз грекча “каймао” сўзининг таржимаси русча “кома” сўзи шу сўздан туғилган. Аслида дейди Павлус: “Кўришинингиз тирик, лекин кўпларингиз комасизлар” чунки ҳаёт Берувчи билан реал алоқани йўқотгансиз. На одат, на нон, на май абадий ҳаёт ато этмайди, лекин, биз учун синган Масиҳ Танаси биз учун тўкилган Масиҳнинг Қони руҳий ҳаётбахш этар – деди Исо, тана эса оз ҳам фойдаланмас.

Ўлик ва тирикнинг фарқи нимада? Тирик, йиқилса, қайтиб туриб кийимини тозалаб, йўлини давом этади. Тирик ярадор бўлса, яраси тузалади. Ўлик тан эса туролмайди. Қачондир йиқилиб у тан бузила бошлайди, ҳар қандай яра бу бузилишни тезлатади, чунки тузалиш хислатини йўқотган.

Жисмоний ҳаётни кўллаш учун жисмоний озуқа зарур. Уни рад этсангиз узоққа бормайсиз. Абадий ҳаёт берувчи руҳий озуқа нима? Масиҳ Унинг қурбони. Бизнинг гуноҳларимизни тўхтатиш учун тўкилган Қони. (Унинг Танаси) ҳар биримиз учун сўнган Унинг Танаси. Бу ягона ҳаёт манбаи. У билан алоқани йўқотган бўлсак, руҳий заиф бўламиз, комага тушиб ўламиз. Ўлик Танамизни жамоат ўриндиғига ўтказиш мумкин, яхши кўринишини таъминлаб, оғзига жамоат яқин атамалар қўйишимиз мумкин, бунинг бари бефойда: қанчалик тирик кўринмасин, ўлим-ўлимлигича қолади. Исми қандай бўлмасин, ўлган бўлса руҳий бузилишга тушган кўплаб йиқилиб бузилишга янада чуқурроқ кетади. Худованд танасида, Қонида қанчалик оғир, қаттиқ йиқилсак ҳам ярадор бўлсак ҳам, қанчалик ўзимизга зарар етказмасак, ичимизда бизни тиклайдиган, бизга абадий ҳаё бера оладиган – Ҳаёт бор. Нима? Қандай? Қачон? Қанчалик кўп? Нимага? – бу



муҳим саволларни оз бўлса ҳам тушундик. Биз бирон нарса қолдирмадикми, шогирдлари Қутқарувчидан эшитганни ва биз сеза олмайдиганни? Антик яҳудий ҳаёти ёзилган ва оғзаки сценарий, қўлланма, анъана ва бир қатор қонунлар орқали тартибга солинарди. Исо шогирдларини йиққан Фисих зиёфат, аниқ нормаланган, белгиланган ҳар йиллик воқеа эди. Тор зина орқали яширин зиёфат бўлиб турган жойга чиқишдан, қўзичоқни сўйиб, зарур бўлганига тайёрланган эди. Ҳамма ўзига мувофиқ ўринларга ўтирди ва Устоз маросим қосани кўтариб, анъанавий ибодатга: “Келаси сафар шогирдлари билан зиёфат Худо Шоҳлигида бўлади”- деди. Бу байрамона ҳаяжонни янада кўтарди. Бир неча кун олдин шаҳар Исони Шоҳ каби қарши олди. Агар ўша кунлар Шанба ва Фисих даврига тўғри келмаганида, одамлар Устозни подшоҳликка кўтаришар эди.

Ундан сўнг Исо нонни кўтариб Худовандга нон учун шуқуруналар айтди, уни барчага бўла туриб: “Бу Менинг Таним, сизлар учун ўлади; Мени унутмаслик учун буни бажаринг” дея қўшиб гапирди. Қандай бўлмасин нон ҳаммага тарқатилиб, Фисих зиёфати бошланди. Барча ҳаракатлар, қадимги юз йиллар олдин ўрнатилган маросимга мувофиқ ўтар эди. Ҳар бир элемент аниқ бир воқеани, яҳудийлар Мисрдан чиқишининг рамзидир. Зиёфат тугаши билан Устоз миннатдорчилик қосани кўтариб охириги гапни ҳеч ким кутмаган гапни гапирди. Бу коса Менинг қонимдаги Янги Аҳд, У сизлар учун тўкилади. Бу нимани англатади. Бу коса Янги Аҳд. Устозимиз сценарийни адаштирадимикми? Ёки биз қайси маросимда қатнашганимизни тушунтирадимикми?

Исо шогирдларига айтганини тушуниш учун “Аҳд” тушунчасига қанақа аҳамият кирган, нима маънолигини кўриб чиқиш зарур. Албатта, Эски Аҳд ва Янги Аҳд Муқаддас Китобнинг бўлим бўлганлиги билан танишмиз. Ўтган даврлар одамлари учун ҳам аҳд билан муносабат умрларига ниҳоят муҳим бўлган, чунки никоҳдаги ҳаёт ушбу билан тартибга солинарди.

Аҳд муносабатлари марҳаматлаш ва масъулият бирлигини чамалайди. Шу боғлиқликни Ёзувда муносабатнинг икки бузилиши мавжуд. Биринчиси аҳд иноятини олган иноят учун масъулиятни олмайди; бу гуноҳ, дарбадарлик дейилади. Иккинчи иноят масъулиятини олган уни бузади; бу гуноҳ хиёнат дейилади. Иккисини ҳам Муқаддас Китоб фақатгина одамга эмас, ҳатто халқларга ҳам ишлатади. (Мисол – Хушея 4:14; Еремиё 3:6-9). Муқаддас Китоб тилининг киноялигига лол қоламиз, лекин бу метофара киноя эмас, аҳд терминологияси бўлиши мумкин. Ҳар бир яҳудий дуч келадиган аҳд

муносабатларини тузиш тартиби қандай бўлган? Йигит ва қиз одатдагидек никоҳ тузишади (уларга тоза яҳудий исмлар берилади, рус исмлари Иван ва Мария – уларда Иоанн ва Марям)?

Никоҳ муносабатлари у вақтларда, уч босқичдан иборат эди – қасам (аҳд тузиш), унаштириш (аҳд янгилашиши), куёв Қайтиш (аҳд бажарилиши).

Биринчи босқич характерли муҳимлиги на куёв, на келин унда қатнашмайди. У ҳақида улар билмаслиги мумкин эди, ундан ортиғи улардан бири ёки иккови ҳам у даврга ёш бўлиши мумкин эди. Бу босқич учун масъулият келин ва куёвнинг ота-онасида бўлган. Куёв отаси келин отасига келиб аҳд тузишар эди.

Аввало музокара тоза амалий характерга эга бўларди, оталар ўзаро келишгандан сўнг, келин отаси икки парранда ёки қўзичокни қурбонликка келтирар эди, қонини ерга сочиб, гўштини майдалаб қисмларини икки қаторга тузар эди. Бундан кейин оталар сочилган қонда пойафзалсиз гўшт қаторлари орасидан юриб қасам ичиб, қасамни бузган ҳолда қарғишларни бошларига чақиришар эди. Аҳд иттифоқи тузилади, сўйилган ҳайвонларни пишириб, бу воқеани белгилаб зиёфат қилишарди. зиёфат тугагандан сўнг (бир кунми, уч кунми) куёв отаси уйга қайтар ва ҳаёт ўз навбатида давом этарди, фақатгина бу икки ёш келин ва куёв, Иоанна ва Марям бир-бири учун мавжуд эдилар. Ҳар қайсилари томонларидан қайси сабаб бўлса-да ҳар қандай бузилиш хиёнат деб ҳисобланади – никоҳ аҳдининг бузилиши. Фараз қилинг Иброҳим ҳақидаги воқеани эшитганларида яҳудийларда қандай ҳис-туйғулар пайдо бўлган?

Тингловчилар ҳикояда икки “ота” орасида аҳд тузилганини кўришди, Худо Ота ва имонлилар ота-бобоси Иброҳим орасида. Бежиз эмас, Ёзув қайта-қайта Исроил халқи Худованд келини деб такрорлайди. Ўғил ва Руҳ сири ҳали очилган эмасди ва Худованд мистик ҳол билан ҳам куёв отаси ҳам Куёв Ўзи Бир Шахсда қабул қилинарди.

Иоан ва Марям тенгдошлари билан ўйнаб-кулиб ўсиб келишарди. Бу “вақт тўлалиги” келгунча давом этарди (Галат. 4:4). Куёв ва келин никоҳ балоғатига етишди. Келин энди болалар ўйинларида иштирок этмасди, у уй-рўзғор илмини ўрганар эди. Агар у кўчага чикса юзини харир билан беркитади. Никоҳ қуриш вақти етди. Куёв моҳар, яъни никоҳ эвазини тўла оладиган бўлсагина, келин уйига гувоҳ дўстлари билан келишарди. Дастурхон атрофига эркаклар йиғилиб ўтириб (келиндан бошқа аёллар, емак узатишар эди), турли нарсалар ҳақида суҳбат олиб борардилар.

Куёв келганини ҳамма билардию, лекин ташрифни асл мақсадини ҳеч нарса билдирмасди. Зиёфат охирида, охирги косани кўтаришиб Худога шукроналар айтилади: зиёфат учун, қатнашганлари учун, хўжаликлари ва оила аъзолари учун. Ибодатдан сўнг куёв фавқулодда билмагандай, қайнотасидан – “қизингиз Марям кўринмайдими?” деб сўрайди. У яхшими, саломатлиги қандай? Отаси эса ишонтириб ҳаммаси жойидалигини айтади. Бироз туриб қиз юзи харир билан ёпилган ҳолда меҳмонлар ёнига чиқади. Мана шу ерда асосий лаҳза келади: куёв косасини келинга: “Бу – мен ва сенинг орамиздаги аҳд косаси, коса билан бирга мен сенга ҳаётимни ҳам бердим” – дея беради. Келин гапларини маъқулласа, юзини очиб косани олиб ундан ичади. Шу пайтдан у куёвга унаштирилган бўлиб, эр-хотин бирга юридик ҳуқуқларга эга бўлишади, бевалик ва мерослик ҳуқуқлари ҳам берилади. Унаштириш аҳд иттифоқини янгилаш демак, келин ва куёвга эски аҳд таъсири йўқоларди. Эски аҳд учун масъуллар эсласангиз ота-оналар эди. Бу янги аҳд фақатгина бевосита иккови орасида тузилган. Келинга маъқул келмай косани қайтариши мумкин эди, лекин шунчалик зиёфатга етиб борган, ҳамма ижобий хулоса кутишарди, акс ҳолда куёв ва келин отаси учун шармандалик ҳисобланади. Чунки Марям Юсуфга турмушга чиқишни истамаса, олдиндан отасини кўндириши керак эди. Иложибўлса бу коса менга тегишли бўлмасин, лекин мен истаганча эмас, сенинг истаганингдек бўлсин. Агар шундай иложи ҳақиқатдан ҳам бўлганида, ачинган қиз отаси куёв оиласи билан тил топишиши, куёвга бошқа лойиқ келин топиб, музд тўлаб янги келинга лойиқ. Аммо, унаштириш бузилишлари жуда кам учрарди, уни овоза бўлмаслигига ҳаракат қилишарди. Шундай қилиб Юсуф Марямнинг унаштирган эри, Худовандимиз онаси, ҳомиладорлигини билиб ва “Унинг онаси Марям Юсуфга унаштирилиб йўқилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Рухдан ҳомиладор экани маълум бўлди. Унинг эри Юсуф эса солиҳ одам бўлиб, Марямни шарманда қилишни истамай яширинча қўйиб юбориш ниятда бўлди” (Матто 1:18-19). Келин косани олаётганида куёв дўстлари келин отаси маҳрини беришади. Маҳр қанчалигини олдиндан гапирилган, келин обрў-эътиборига тенг, унинг нажиблигига яраша ёки куёв уни қанчалик қадрлашга мувофиқ. Расмий томон тугашидан сўнг, куёв, “Мен бизга уй тайёрлаш учун кетяпман, ҳаммасини тайёрласам сени келиб олиб кетаман. Бу қачон бўлишини на мен, на дўстларим билишади, фақатгина отамга аён. Сен фақатгина кутгин мени. Агар бирор воқеа юз берса мени қайдалигимни биласан” – деб кетади. Келин тўйга тайёргарлик қилиб кутиб қолар эди. Аҳд косаси унда қолар эди, севганини хотирасига у косадан ичар эди.

Куёв уйга қайтиб оила ўчоғини жойлашни бошлайди. Оилалари ховлисида бинолар хоналар кўп бўлса, отаси билан келишган ҳолда ўрнатар, агар бўлмаса янгисини қураар эди. Отаси диққат билан кузатади ва озмоз вақт ўтиши билан (одатда бир йилдан кам эмас) ўғлига: “Ўғлим сен тайёрсан, бор, ўз қайлиғингни олиб кел” деб нақл этади. Кунми, тунли йигит ҳамма ишини ташлаб, дўстларини чақириб, Марямни олишга кетади. Дўстлари уни бирга кузатиб бориб “Куёв келяпти!” деб овоза қилишадилар, тунда боришса кўлларида машғал билан ёритиб борадилар. Бу юришни кўрган барчаси ҳам кўшилиб “куёв келяпти!” деб қийқирарди. Мақсад келин тезроқ тайёрланиб чиқиши, чунки куёвлар чидамсиз одамлар!

Юриш келин уйи олдига етиб тўхтарди. Келин, олдиндан тайёрлаган мулкини олиб дугоналари билан чиқади ва барча орқага, куёв уйига қайтишадилар. Келин дугоналари ҳам олдиндан тайёр бўлишлари керак, чунки юриш куёв уйига кириши биланоқ эшик ёпилади. Киришга улгурмаганлар кўчада қолишарди (масалан шамлар ёғи етмаслиги мумкин) лекин қайтиб дарвозага келишга имконияти бўлмайди.

Уйга кирган келин ва куёв олдиндан тайёрлаб қўйилган чодирда туришади, уларни марҳаматлаш ибодати ўқилади кейин келин аҳд косасидан ичиб куёвга қайтаради. Косани бўшатиб ичган куёв уни ерга қўйиб, оёғи билан майдалайди, чунки энди куёв хотираси учун келинга куёвга эса бошқа келинга бериш учун кераги йўқ. Куёв дўсти ёшларни никоҳ уйларига кузатиб, қайтиб барчага никоҳ иттифоқи бажарилди дея эълон қилади ва бир ҳафта давом этадиган тўй бошланади. Шу ҳафта давомида келин меҳмонлар олдида чикмайди – у бутунлай ўзининг эрига тегишли.

Сирли кеча Фисих байрамидан бир кун олдин бўлиб ўтди. Ўтган йили у Шанба кунига тўғри келди. Баъзи раввинлар, бирон нарсани Шанбада нишонлаш Тўртинчи амрни бузиш деб ҳисоблай, бундай ҳолатда Фисихни бир кун олдин нишонлаш зарур деб таълим беришарди. Лекин ҳақиқий Фисих белгиланган кунда нишонланарди “Масихнинг Ўзи бизнинг Фисих қурбонлигимиз бўлиб жонини фидо қилган” (1Кор. 5:7). Унда, Исо шогирдлари билан бўлишган зиёфат аҳамияти нимада? Бу савол жавобини Қутқарувчи Ўзининг, шогирдларига, кеча тугашида, косани бериб “*Бу коса Менинг қоним билан тасдиқланган Янги Аҳддир. Ундан ҳар дафъа ичганингизда буни Мени эслаб туриш учун қилинглар*” (1 Кор. 11:25) айтган сўзларидан топамиз.

Бу зиёфат никоҳлаш, Аҳд янгиланиши эди. Тўлаш учун бўлган қиммат баҳо маҳр тайёр эди ва куёв келинни ишонтирарди. “Отамнинг уйида маскан

кўп. Шундай бўлмаса эди, Мен сизларга жой тайёрлагани кетаяпман, деб айтармидим? Мана, Мен бориб сизларга жой тайёрлайману, яна келиб мен бўлган жойда бўлишингиз учун сизларни олдимга олиб кетаман. Мен борадиган жойни сизлар биласизлар, йўлни ҳам биласизлар” (Юҳанно 14:2-4). “Ўша кун ёки соат ҳақида биргина отамдан бошқа ҳеч ким билмайди; Ўғил ҳам осмондаги фаришталар ҳам билмайдилар” (Марк 13:32). Биз жамоатмиз – Масих Келини ва Худойимиз Исо никоҳланиши, ахир бизни шунчалик севганки, Ўз шахсий Ҳаётини ҳатто никоҳ маҳри тарзда биз учун биз гуноҳкорлар учун беришни аямади.

Унинг бундай муҳаббати, шунчалик Баримта эгаси бўла туриб, биз Унинг қайтишини доимий кутиш билан яшаймиз, У билан бирга Осмондаги Отамиз уйига кетиш учун узимизни хиёнатсиз пок тутамиз, ҳар пайтда Унинг қаршисига чиқиш учун тайёр вақтда, Ёзув: “Чунки Раббимиз Исо Ўзи буюк нидо, бош фариштанинг садоси, Худонинг карнайи билан осмондан тушади. Аввал Масихга ишонган марҳумлар тириладилар” (Салон. 4:16). “Чунки ўзларинг биласизларки, кечаси ўғри қандай келса, маҳшар ҳам шундай келади” (Салон 5:2). “Ҳушёр бўлиб туринглар, чунки сиз инсон Ўғли келадиган аниқ кунни ҳам соатни ҳам билмайсизлар” (Матто 25:13).

Ким билади, балки шу сатрларни ўқиётган дақиқаларда фаришталар карнайларини кўтаришаётгандирлар, бизнинг Осмондаги Куёвимиз абрга Ўзининг оёғини қўяётгандир? “Рух ҳам Келин ҳам: “Кел!” – деб чорляпти. Эшитган киши ҳам: “Кел!” – десин. Чанқаган келсин, хоҳлаган ҳаёт сувидан текин баҳра олсин”. “Бу гапларнинг Шоҳиди: “Ҳа, Мен тез келаман!” деяпти (Ваҳий 22:17,20).

## Масиҳ ортидан бориш

Хушхабарлик дипломатик миссиядек душман доҳосига бориб тинчлик музокараларини олиб бориш кабидир: *“Биз Масиҳ учун элчилик қиляпмиз, Худо биз орқали инсонларга мурожат этяпти. Биз Масиҳ номидан ёлворамиз. Худо билан ярашинлар!”* (2 Кор. 5:20) Биз Худонинг тинчлик ташаббусини эълон қиламиз. Унинг таслим бўлиш шартларини қабул қилган исёнчиларни, Худованд инояти кутади. Бу келажақда фақатгина, абадий ҳаёт совғаси эмас: бу ердаёқ бу дунёда Худованд билан ярашиш ҳаётни ташвишлардан озод этади, уни мазмунини тўлдиради. Худованд ярашганга У билан Ҳақиқатни очади ва ҳақиқат уни озод қилади. Озодликка ўзимиз чақирилганмиз ва шундай озодликка бошқаларни ҳам чақирамиз.

Аммо одам Масиҳни қабул қилса биз унга узун рўйхат бериб: “энди сен қилишинг зарур бўлган...” деймиз.

1. Ҳар куни тинч вақтни ибодатда ўтказиш. Буни эрталаб, ҳеч нарса халақит бермайдиган вақтда қилса яхши. Агар сенинг бешта фарзандинг бўлса: бирини боғчага, бирини мактабга кийинтириб овқатлантириб тайёрлаш керак бўлса эртароқ тур. Ярим кечада ётган бўлсанг нима бўлибти?

Руҳий нарса ҳақида фикрлаш зарур. Тинч вақт – Муқаддас вақт. Биринчиликка жиддий риоя қилиш лозим. Бўлмасам, сенга ҳеч ким халақит беролмайдиган ерга қочиб кет, яқинларинг сенсиз бир амаллашар, сен эса Худосиз – иложинг йук.

2. Ҳар куни Муқаддас Китобни ўқиш керак. Кунига бир бобдан бошлаб ўқиб кейинчалик, йилга бир марта Муқаддас Ёзувни ва Янги Аҳдни эса – икки мартаба ўқиб чиқиш учун дозани купайтириш лозим
3. Имон келтирмаган дўстлар исмларини рўйхатини тузиб, Худовандга ибодат вақтда эслатиб тургани имонсиз билан суҳбатга кириб қолсангиз, билинг бу уни тавба қилиб гуноҳларидан покланишга келтириш учун Худованд берган имконият.
4. Каломдан асосий оятларни ёдлашингиз зарур. Қанчалик маънавий бўлсангиз, сиз учун шунчалик асосий оятлар кўпаяди.

5. Даромадларингизни барчасидан 10% Худовандга беришингиз керак. Сизга биров бирор нарса совға этибди – тезда 10% ни Худога атаб ажратиб қўйинг,. Эришганингизда тўхтаманг – ҳар йили бир фоиз қурбонликни кўпайтириш “теистик мажбуриятларни” қабул қилинг. Худовандда ўсиш керак-ку.
6. Ҳар якшанба ибодатга боринг: душанба куни жамоат кенгаши, сешанба уй гуруҳи, чоршанба куни Калом таҳлили, пайшанба биродарлик йиғилиши, жума куни ҳамду сано гуруҳининг машғулоти, шанба куни ибодат гуруҳи.

Булар ҳаммаси фақат бошланиши учун. Масихдаги озодликка хуш келибмиз!

Назария бўйича биз озодлик ваъда қиламиз амалда эса янги қонунга боғлаймиз, уларнинг елкаларига оғир, ноқулай юк қўямиз.

Лекин аксинча қандай бўлиши мумкин? Баркамол ақл ҳаётий тажриба ҳам барчаси бизга – маънавий ўсишга интилсак, бу ўсишнинг кўзга кўрадиган қандайдир кўрсаткичи бўлиши кераклигини айтиб беради? Маънавий ўсишни гувоҳлик қилувчи ташқи кўриниши ривожи билан шуғулланса бошлаймиз.

Умуман олганда, маънавий етуклик одатда ўхшаш ўзгаришларга олиб келади. Одам Масихда ўсишда унда Худованд ва одамларга хизмат қилиш истаги пайдо бўлади, доимо У билан мулоқотда бўлиб Унинг Сўзини ўрганишни истайди. Лекин, булар бундай кўрсаткичларни қувлаб Масихда улғаярмикинми? Маънавий етуклик ташқи кўринишини изоҳлаш қийин эмас, шунинг билан ҳам ўзимизни ҳам атрофдагиларимизни адаштириш йўлида олиб борамиз.

Бу жуда ёйилган хатолик. Янги Аҳддан фарзийларга ўхшаш диний гуруҳни биламиз. Фарзийларда олий жаноб мақсади бўлган: итоаткорликка бор кучлари билан интилишган бунинг учун иложи бор барчасини амалга оширганлар. Лекин биз баён этганимиздай, ташқи кўрсаткичлар кетидан қувлаш, натижада – эплай олмас ғурур риёкорлик ва мақтанчоқликка олиб келди.

Кўринишидан қилинаётган барчаси тўғрига ўхшайди? Бундай муаммо қаердан чиқди? Бу ерда масалага бошқа томондан қараяпмиз. Биз маънавий ўсишининг белгисини қувиб, маъноси аҳамиятини унутяпмиз. Шундай қилиб, гуллаб турган кўриниш, жисмоний соғлик саломатлик

белгиси бўла олади. Ўзини ташиш кўринишини яхшилаш мақсадида саломатлигини битираётган одамларни учратганмисиз: мисол ҳаддан озиш? Ёки мушак массасини кўпайтириш? Лекин вақт ўтиб бу кўриниш сарғайиб саломатлик эса бузилганлигини билдиради-ку? *“Эй уламою фарзийлар сизлар мунофиқликларнинг ҳолига вой! Сизлар ташқаридан чиройли кўринадиган, лекин ичи ўликларнинг суяклари ва ҳар хил қабиҳликларга тўла оқланган қабрларга ўхшайсизлар. Гарчи инсонларга ташқаридан инсонларга мўмин кўринсангизлар ҳам, лекин ичларингиз иккиюзламачилик ва ёмонликка тўладир”* (Матто 23:27–28).

Нопок ниятлари орқали инсон риёкор бўлиши, муаммо бунда эмас. Фарзийларнинг кўпчиликлари ва масиҳийларнинг ҳам худди шундайлари ибодатлари энг мақтовли– итоаткорликка интилиш бўлган. Ачинарлиси шуки биз масалани тўғри кўя олмаймиз.

“Нима қилишимиз керак?” деган саволга жавоб қидирмоқдамиз! Руҳан ўсиш – нима қилишимизда эмас, мазмун сен қандайсан!? Сен кимникисан? Кимнинг ортидан юрдинг? Амал, иш – фақат бунинг натижаси. “Муҳаббат” тушунчаси охириги вақтда гапириб ўтган девалвацияга (қадри тушишига) учраган.

Муқаддас Китоб таълимотида, биз “Муҳаббатга етишимиз”ни айтган. Ўтган замонларда “муҳаббатни сезиш” деб гапирилган. Сезишга интилиш. Ўзимизга машғулотлар рўйхатини туздигу қумурсқа каби у томонду бу томон турамыз Худованд эса: “Шошилма, мен сенга айтишим керак” деса. Биз унга “Йўқ, йўқ, менинг вақтим йўқ, мен бандман, мен Худога атаб яхши ишлар бажаряпман” – деб жавоб берамиз. У бизни эшитсин деб, тингласин дея тўхтатмаоқда. Биз эса чиқиб югурамыз: “ҳаёт ҳоллари билан тор-мор этиламыз”. “Мен енгимиз лозим!” “Менинг асосий биринчилигим – Худога муҳаббат!” “Қилаётганимнинг бари У ҳақи қилмоқдаман!” Худованд эса яна югуриш учун кўйиб юборади, биз эса ҳали ҳам эшитмаганмыз, тингламаганмыз. У биздан кутмоқда.

Асосий муҳим нарсани назаримиздан йўқотсак, “Худога муҳаббат” ортидан даҳшатли ликвизация нафасини сезамиз, “дунёвий урушлар алангаси”, бемаъни анъаналар жаҳаннам совуғи.

Ўхшашлик анъаналарда ёмонлик йўқ. Ҳар жамоатнинг ўзининг анъаналари бор, бошқача бўлиши мумкин эмас, чунки Ёзув айтишга: (1Кор. 14:40) “Фақат ҳар нарса адаб ва тартиб билан содир бўлсин”. Лекин кўпинча шунчалик киришиб кетамизки, анъаналар илк нимага



белгиланганлиги кўриб қоламиз. Бу – фарзийлар тарихи: одамлар чин кўнгилдан итоаткор бўлиш Худонинг муҳаббатига эришиш, лекин вақт ўтиши билан мақсад ўзи ва мақсадга эришиш воситалари ўзаро фарқини кўрмай қолишди. “Кузатишга бериладиган маънавий баркамоллик критерийлари билан қизиқиш” кўпинча бизни Худодан узоқлаштиради. Эришганимиз билан ғурурланамиз ва бу маънавий тушишимиз пайти. Худди бирон нарсага эришгандай ғурурланамиз, лекин аслида ўзимизга биз ҳеч нарсага эришолмаймиз фақат агар биз тан бериб Унга имкон берсак, Худованд биз орқали ҳаракат қилади. Ташқи кўриниш билан ғамхўрлик қилсак, биз “Худойим! Сенга шукроналар бўлсинки, мен бошқаларга: хиёнаткор ўғри ва ҳоказоларга ўхшамайман: ҳафтасига икки бор ибодат қиламан ва ҳоказолар” гапирган фарзийга ўхшаб қоламиз. Давомида “Худованд учун қилаётган” кузатишга бериладиган маънавий баркамоллик меъёрлар рўйхати туради. Ҳаворий Павлус ёзади: *“Ҳа сизлар Худодан иноят топиб имонингиз туфайли қутулгансизлар. Бу Худонинг инъоми, сизнинг ютугингиз эмас, яна ҳеч ким: мен савоб ишларим туфайли қутулганман, деб мақтанмасин. Биз Худонинг ижодимиз Худо бизни Исо Масих орқали хайрли ишлар қилишимиз учун яратди, бу ишларни эса биз учун азалданоқ тайёр қилиб қўйди”*.

Худованд, ҳақиқатдан ҳам бизни эзгулик қилиш учун яратган. Биз Унинг ижодимиз, У бизни шу мақсадда Исо Масихда яратган. Амал мақсад эмас, нажотимиз натижаси. Нажот эса Худованд инояти билан берилади. Унинг Қурбонлиги орқали. У амалдан эмас, бизнинг мақтанишга ҳеч вақтимиз йўқ. “Маънавий баркамоллик кўрсаткичларнинг” ташқи ажраб чиқдиган барчаси фақатгина амаллар. Уларни осонгина юзаки кўрсатиш мумкин. Уларни осонгина ривожлантириб, амин бўлиш мумкинки, Масих ортидан кетмоқда деб. Сизни ҳаракатга чақирувчи мазмунлар ҳаққоний бўлмаса, сизни эзгулигингиз миннатдорчилик ва ҳамдард бўлишдан чиқмаса, акси “маънавий баркамоллик кўрсаткичи бўлса, ўзимиз сезмаган ҳолда Масих ортидан эмас, бошқа кимса ортидан юрамиз. Масих ортидан бормоқдамизми? Қайси белгидан аниқлаш мумкин. Йўналишимиз тўғрими ё нотўғрими? Умуман биз буни аниқлай оламизми? Албатта бир нечта меъёрлар мавжуд. Улар унчалик кўзга ташланмайди, уларни синаб бўлмайди, доим қовлаб бўлишмайди. Масалан, ўйлаб кўринг бир эзгулик яхшилик қилсангиз ўзингизни қандай ҳис этасиз, сиз яхшилик қилдингизу, сизга эса ташаккур билдиришмади? Ёки сизга жавобан кўполлик қилишди? Ёки нотўғри хафа қилишди? Бундай экан сиз кўпроқ миннатдорчилик кутгансиз, сиз унга интилгансиз? Нажоткоримиз бизга

шунақа ўрناق бўлганмиди? Исо кўп яхшилик қилган. Улар учун, қандай миннатдорчилик билдиришди? Бизни огоҳлантириб, У нима ҳақида гапирганини билади: “Агар ўзингизга яхшилик қилганларгагина яхшилик қилсангиз, қандай савоб қилган бўласиз? Ана гуноҳкорлар ҳам худди шундай қиладилар. Агар сиз қайтариб олишга умид қилиб қарз берсангиз қандай савоб қилган бўласиз? Ана, гуноҳкорлар ҳам анча қарзлари бўлса, шунча қайтариб олиш мақсадидагина гуноҳкорларга қарз берадилар”.

*Лекин душманларингизни севинг, яхшилик қилинг, ҳеч нарса тама қилмай қарз беринг. Шунда буюк мукофот олиб, Таолонинг ўғиллари бўласизлар. Чунки уни ўзи ҳам ношукурлар билан ёмон ниятларга нисбатан меҳрибон-ку. Шундай қилиб, Отангиз раҳмдил бўлгани каби сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар?* (Лука 6:33-36)

Ёки айтайлик, яқинингиз талаб этилмайдиган нарса яратса. Нимадан хавотирсиз гуноҳданми ё гуноҳкорданми? Нима билан тўлиб олсангиз ғамхўрликми ёки нафратми? Олдингизга ичувчи келиб бир қадоқ майга пул бер деб ялинди. У ҳамма нарсадан кўмилиб, беркиниб олишни истайди. Унинг ночорлигини сезасанми? У бу аниқ дунёдан қочмоқда. У ҳақ, Худосиз ҳаёт маъносиз ва чидамсиз. Фақатгина у имконият борлигини билмайди шунинг учун ҳаёт унга оғир юк. Ўлиб турганларга оғримасангиз, тушқунликка тушганни учратиб ачиниш ўрнига нафратланасиз, амин бўлингки Муқаддас Китобнинг нечта бобини ўқидингиз бунга қанча осойишта вақтингиз кетгану ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Чунки сиз тингловчи, Худо Сўзини бажарувчиси эмас. Маънавий баркамоллигингиз биноси тупроққа қурилган. Исо ортидан юриш Унга ўхшашлик демакдир. Отасига ибодат қилиш учун тинч жойга бориб мисол Исо норозилик билдирармиди? – шу пайтдаёқ уни олдиға ўзлари билан овора бўлган бир тўда шогирдлари, гапирганингни яна бир айтиб беринг, бўлмаса биз тушунолмадик деб келади. Худованд – “Кечирасиз еттидан саккизгача мени тинчлик вақтим”, “Кетинглар”, “Отам билан бўлиш Менга маъқулроқ” демасди. Сизлар ҳали буни тушунолмайсизлар. Ибодатини қолдириб, шогирдарига қайтадан тушунмаганларини англатар эди. Сенга яқинингни илтимоси ҳар қандай маънавий машқдан афзалроқ. Муҳтожга хизмат қилиш жавобан ҳеч насра кутмай энг олий маънавий рухий машқдир. Худога муносабатимиз, яқинимизга бўлган муносабатда аниқланади ва билинади. Агар кўриб, билиб турган биродаримиз, ака-укаларимиздан воз кечсак, кўрмай турган Худодан воз кечишимиз янада осон.

Исо гуноҳни чидамасди. Лекин Уни гуноҳкорлар ранжитармиди: кароқчилар, фоҳишалар, солиқ йиғувчилар? Ёки У уларга ғамхўрлик қилармиди, уларга ачинармиди? Уни ранжитадиганлар итоаткорлик диний таъмагирлари “кузата биладиган маънавий критерийлар” изловчилари.

Худо Сўзини кенгайтириш ўрнига унда маънавий нуфуз тузишга ҳаракат қилувчилар.

Бу одамлар, “художўй” ишлари билан ўзларига осмонда давлат ишлашаётганларига амин эдиларки. Исони риёкорлар, руҳий ёрилгунча, жаҳл чикқунча кўп ранжитадилар. Айнан шуларга Исо ғамхўрлик қилмас ачинмас эди, айбларини ўзлари айтганларини восита қилиб юзига ташлар эди. Исо таълимоти ҳақида фикрласак, кўпинча ёдимиздан чиқадигани Ўзининг тасдиқлаганига У ҳеч қандай янги таълимот илм олиб келмаган. У фақатгина Эски Аҳд қарорлари қайси мақсадга берилганини кўрсатди. Шу белгиланган мақсад сари Худо билан биргаликда одамлар юришига чақирарди. Ҳар сафар Исони фақатгина улуғ Устоз деб билган одамни учратсак, амин бўлинг: бизни қулликдан озод этиш учун, бизнинг гуноҳларимиз учун тўлов бўлиш учун келган, бизга таълим бериш учун келган эмас. Одамлар билиши керак бўлган барчаси У келгунча айтиб бўлинган. Лекин илм билим одамни Худо билан келиштиролмаган. Илм билим фақатгина Худони кўрсатган, Унинг чироғи, нури соясидай – одамзод гуноҳига Исо ўлиш учун келди, Ўзининг Муқаддас қони билан бу гуноҳни беркитиш учун.

Қаранг, Худованд Эски Аҳдда гапирганига: қонун билан Исроил халқига ёзилган (Хушея 6:6). Ибодатхоналар номзодлари барчаси, барча иш-амаллар, Худога умуман керак бўлмай қолди! Мўсонинг Беш китоби катта қисмини, кичик талқинлар билан ҳар турлили ибодат маросимлари ташкил этади. Худованд эса одамлар Уни Ўзини таниши, тан олишини истайди, бу орқали маросим деталларини эмас. Эски Аҳддаги бошқа пайғамбар Михо ёзади:

<sup>6</sup> Худойи Таолога сажда қилганимда,

Нима олиб борай Эгамизнинг ҳузурига?!

Унга атаб қурбонликлар куйдирсаммикан?!

Бир ёшли бузоқларни назр қилсаммикан?!

<sup>7</sup> Унга атаб минглаб қўчқорларни сўйсам,

Зайтун мойин дарё–дарё қилиб оқизсам

Эгамиз мендан мамнун бўлармикан?!

Итоатсизлигим учун тўнғич ўғлимни берайми?!

Гуноҳим–чун ўз фарзандимни қурбон қилайми?!

<sup>8</sup> Эй инсон, нима яхши эканлигини

Эгамиз сенга аён қилди.

Шудир Унинг сендан қилган талаби:

Адолатли иш тутгин,

Меҳр–шафқат қилишдан завқ олгин,

Камтар бўлиб, Худонинг йўлидан юргин. (Михо 6:6-8)

Қаранг: фақатгина учта талаб! Шунинг ичида пайғамбарлар бизга янги нимадир очганини айтмаяпти: “О одам! Сенга айтилган...”

1. Ҳаммасидан олдин ҳар бир одам аввал ҳаққоний иш тутиши керак (ҳеч бўлмаса, бошқалар тўғри иш тутишига эришади) ҳаққоний демак ҳақиқий, тўғри ҳақиқатнинг абсолют мезонларига мувофиқ. Ёзув гапиради: “Шу тариқа севишлик уруғи сепилиб, тинчликпарварлик учун осойишталик барпо бўлади” (Ёқуб 3:18).

Ҳақиқат меваси, биринчи ўринда тўғри ва ҳақиқий амал қилишдан иборат. Олдимизда турган икки йўлдан бизга ёққанини эмас, ҳақиқийсини тўғрисини танлашимиз зарур. Яхши осон ва натижалироқ иш тутиш эмас тўғри, ҳақиқийлигини.

Бизга одамзод аввалдан айтилган – ҳақиқат қандай тўғри. Биз натижали, фойдалироқ, чиройлироқ бажаришимиз мумкин, бизга бутун олам қарсақ чала оладиган иш бажаришимиз мумкин, шу вақт ичида эса Худодан узоқлашимиз мумкин. Ҳақиқат билан мувофиқ тўғри йўл тутишимиз зарурку.

2. Иккинчи талаб: марҳаматли ишларни севиш. Жуда қизиқ, пайғамбар марҳаматли ишлар бажарманг дейди лекин – севинг”. Одатда иш ҳақида қандай гапиришади? Иш бажармоқ; иш яратмоқ ҳеч бўлмаса тикиш, бўлиши мумкин тикиб қўйиш. Шу ердаёқ бизни “марҳаматли ишларни севишга” чақиршади. Ҳаворий гапларини қандай қилиб эсламайсиз:

*“Агар бутун ер-мулкимни тақсимлаб берсам, ҳатто баданимни ёндиришига топширсаму, лекин севгим бўлмаса, менга ҳеч нарса фойдаси йўқ” (1 Кор. 13:3).*

Агар сиз бирон гуманитар акцияда қатнашибгина келдингизу – очларни тўйдирдингиз, яланғочларни кийинтирдигиз, беваларга овқат тақсимладингиз, етимларга уй қурдингиз ва уйга қайтишда уйсиз кўрни йўлдан ўтолмай турганини кўриб ё бирон камбағални бир ушоқ ҳам нони бўлмаса, бепарво ўтиб кетсангиз, унда сиз марҳаматли ишларни бажардингиз. Қилиб битирдингиз, “бажарилди” деб белги қўйдингиз, ишга тикиб қўйдингиз ва бажарилган иш хусусияти билан уйга келдингиз. Шу айтиб ўтилган ҳолат бўйича сизда марҳаматли иш амалда севги йўқ.

3. Учинчи талаб: пайғамбар Худо олдида доно итоаткор, ишкастанафс юринг.Итоаткорорна ва доно бир сўзда! Итоаткорликда – “лекин юқоридан тушган донолик эса, биринчидан покдир. Иккинчидан эса муросали, мулойим, бўйсунувчан, тўла меҳр-шафқатли, яхши самаралар билан тўлиб-тошган, беғараз ва риёсиздир” (Ёқуб 3:17). Мана ҳақиқий донолик, Ёзувни ёддан билмаслик ибодатлар даражалар ёки жамоат унвонлари эмас, Худо олдида итоаткор юришдир.

Ҳақиқатдан ҳам бизга Масихда озодлик берилган. Озодлик қимматбаҳо, яъни бебаҳо инъом. Лекин биз уни одамларни озод этиш учун эмас ёки уларни ё ўзимизни янада қарамга чуқурроқ солишга, балки гуноҳ қулларини ачинганимиздан эмас, янги қонун шундай бўлгани учун биз уни бажаришимиз шартлиги учун ҳаракат қиляпмизми? Иегова гувоҳлари каби ҳарбий мажбурият олиб юришга ҳаракат қилмаяпмизми? Ҳар куни шунча буклет тарқатиш шунга янги жангчи рекрут қилиш? Ёки биз ҳақиқатдан ҳам атрофиизда Исо улар ҳақи ўлган, ўлаётган одамларни кўряпмизми? У аллақачон тўловини берган одамлар эса бундан хабарсиз юришибди.

2000 йил сентябрь ойида Си-Эн-Энда қизиқарли хабарнома айтиб ўтилди. 70 ёшли чол Сибирда қариялар уйида яшаган. Бир данига маълум бўлдики Швецарияда яшаган қандайдир миллионер қариндоши оламдан ўтди. Энди бу одам (чол) катта бойлик меросхўри. Лекин у Сибирдаги Худо Уйида яшайди, туман марказига ҳам чиқишга пули йўқ. У мерос ҳақида ҳеч нарса билмаган, унга эса яхши одамлар қидириб топиб хабардор қилишган. Ҳаттоки меросини олиши учун йўлига пул қарз беришган. Йўлга чиқишида унга савол беришди: “Миллионларингизни нима қиласиз?” Унинг жавоби: “Ўзимга битта янги костюм ва битта бутун нон сотиб оламан”.

Атрофимизда бунга ўхшаган кўплаб одамлар бор. Уларни осмонда улкан давлат кутишини билмай, маънавий очликда юрадилар. Худо одамларга берган Гаров ҳақидаги Хушхабарни билдирмасак, айтмасак, У ҳақида билмай оламдан кўз юмиб кетишлари мумкин. Ҳар бир киши учун ҳисоб очиб депозит солиб қўйилган. Фақат биз қандай қилиб бу озодлик банкига йўлни кўрсатишимиз мумкин? Гуноҳ қарамлигидан Масихда озод бўла туриб, биз бу озодликдан фойдалана олмай, ўзимизга янги қонун яратдик. *“Эй биродарлар, сизлар эркинликка чорлангансизлар. Фақат бу эркинликни нафсингиз учун қурбон қилманглар, балки бир-бирингизга муҳаббат билан хизмат қилинглар. Чунки Илоҳий қонуннинг ҳаммаси бир сўзда жамланади, яъни: “ўзгани ўзинг каби севгин”. Аммо сизлар бир-бирингиз билан тишлашиб, гажисангизлар, эҳтиёт бўлинглар, тагин бир-бирингизни еб битирманглар!”* (Галат. 5:13-15). Масихийлар – жуда ғалати армия. У дунёда энг даҳшатли рақиб билан жангга боради. Лекин душманга ҳужум қилиш ўрнига жангчилар бир-бирига ташлашиб вақти билан оғир жиддий жароҳат еткизишади. Бу муаммо янгилик эмас, шуни ҳаворий бундай ёзади: *“Аммо сизлар бир-бирингиз билан тишлашиб гажисангизлар, эҳтиёт бўлинглар, тагин бир-бирингизни еб битирманглар! Мен шуни айтмоқчиман: Илоҳий Рух амри билан яшанглар, шунда табиатингиздаги ёмон эҳтирослар жунбишига келмайди. Чунки инсон табиати илоҳий Рухга, Илоҳий Рух эса инсон табиатига қарши йўналтирилган. Бу иккови бир-бирига душман бўлгани учун сизлар истамаганингизни қиласизлар. Агар сиз Рух амри остида яшаётган бўлсангиз унда қонун амри остида эмассизлар”* (Галат. 5:16-18).

Тана табиати ишлари ҳаммага кўринади. Бу бутпарастлик, кир канонлик фирибгарлик, рашк, жанжал, ғазаб ёрилиш, бахиллик, ҳасад, ичкиликбозлик, хиёнат ва ҳоказолар.

Икки минг йил ўтдики масихийлар ҳақида гапирсак, қоида каби ичкиликбозлик ва айш-ишратни эслашга ҳожат йўқ. Бу рўйхатнинг яримидан кўпини ўзимизда доимо кузатамиз. Нимага? Нимагаки Исо ортидан юриш ўрнига, биз ўзимизнинг илоҳий табиатимиз ишини бажаряпмиз. *“Сизларни олдин огоҳлантирган эдим, яна огоҳлантираман: бу каби ишларни қилувчилар Худо Шоҳлигидан бебаҳра бўладилар”* – даҳшатли сўзлар! Павлус давом этади: *“Илоҳий Рухнинг самараси эса муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат мулойимлик ибодир. Бу хислатларга қарши бирор қонун йўқ. Исо Масихга тегишли бўлганлар эса ўз табиатини ҳирсу-эҳтирослари биан бирга хочда михлаб қўйганлар. Агар биз рух амри остида бўлсак, Рух амри билан умр кечиришимиз лозим.*

*Шухратпарастлик, бир-биримиздан раиш қўзғамайлик, бахиллик қилмайлик”*  
(Галат. 5:21-26).

Масих ортидан юриши нима дегани? Келинг, Масихни сўрайлик! У нима дейди “*Руҳан камбағал бўлганлар бахтлидир*” (маънавий баркамоллиги билан ғурурланганлар эмас) “*Чунки осмон Шоҳлиги уларникидир: Йиғлаётганлар бахтлидир*” (ғуруланиб турган якка жангчилар эмас) “*Беозор бўлганлар бахтлидир, чунки улар ер юзига эга бўлур. Адолатга очу чанқоқлар бахтлидир. Чунки улар тўқ бўлур. Раҳмдир бўлганлар бахтлидир, чунки улар раҳмишафқат топур. Покдил бўлганлар бахтлидир, чунки улар Худони кўрур тинчлик ўрнатувчилар бахтлидир. Чунки улар Худо уни дейилур. Адолат йўлида жабр кўрганлар бахтлидир. Чунки осмон Шоҳлиги уларникидир. Мен туфайли одамлар сизни ҳақоратлаб қувгин этса, сиз ҳақида ёгон гапириб фишқу гийбат қилса, бахтлисиз*” (Матто 5:3-11). Исонинг ортидан юриш учун – У кўрсатган қолип стандартларга мувофиқ бўлишимиз зарур. – Болалар каби ишонувчан бўлшимиз даркор. Охир иноят ваъзларида айтилганлар барчаси болаларга оид: кўнгил поклиги, камтарлик, маънавий камбағаллик. Отасига иш ўргатган болани кўрганмисиз? Бола сўраши мумкин, қайсарлик билан сўраши мумкин, лекин у тушанади: аслида унга нима кераклигини отаси яхшироқ билади.

Отаси доим керакли нарсени беради. Агар бирон нарса бермаса, демак унинг кераги йўқ. Балки ҳали вақти келмагандир ёки умуман кераги йўқдир.

Англияга оксфорд талабалари орасида хизмат қилишга келган америкалик

имонли Фрэнк Бухман, Тоғдаги Ваъзни ўрганишга бир неча йил бағишлаган. Ундан “қуруқ қолдик” чиқаришга ҳаракат қилиб, асосий мазмунини ифодаловчи сўз озлигини чиқаришга уринган. Натижада, унинг асосида асос соладиган тўртта маънавий принципга келган, уларни “тўрт маънавий абсолют” деб номлаган: абсолют ҳақиқат, абсолют поклик, абсолют беғаразлик, абсолют муҳаббат. Албатта бу аниқ содалаштириши, Исо таълимоти эса анча кенг, лекин шунга қарамай бундай йўналиш амалда фойдали. Сиз Исо ортидан юрганлигингиз ёки юрмаслигингизни билмоқчимисиз? Ҳар қандай ҳаракатингизни “тўрт маънавий абсолют” шкаласига солиб кўринг (хоҳ беғаразлик, хоҳ севги, хоҳ поклик, хоҳ ҳақиқат) демак сиз Исо ортидан юрмадингиз. Агар ҳаракатларингиз бу абсолютлардан биронтаси билан дуч келмаса, амин бўлинг, сиз ўзингиз танангиз табиатига эрк бермоқдасиз. Тоғдаги ваъзи ўзингизни, руҳингизни, маънавиятингизни текшириш учун бўлган абсолют шкаласидир.

Яхши, биз уни қандайдир текшира оламиз, лекин уни чеклаб ололармикинмиз? Бизнинг дунё қайсарлик билан сонлар талаб қилади, режа тузиш ва бажариш талаб қилади. Бизга зарури чеклаб бўладиган ва уларни бажарилиши ҳақида ҳисобот бера оладиган масалалар қўя билишимиз керак.

Эришган чегараларга етганимиз сабабларини аниқлаш; келгуси етилиш йўлларини излаш. Маънавий баркамолликни ўлчаш кўрсаткичлари мавжудми? Сонлар ёрдамида Исо ортидан юрганимизни ифодалай оламизми?

Мен бундай рецепт таклиф қилардим. Кимга ёқади, кимга йўқ. У менга тааллуқли. Шунинг учун – мутлақ номукамалдир. Кичик ёзув дафтар тутинг. Ишонтираман каттаси керак бўлмайди. Биринчи бетига бешта рақам ёзинг: биринчи иккитаси ой ва йил учта қолган – мана бу саволларга жавоблар:

- Жамоатда нечта биродарлар ишонч билан мен уларни ўзимни севгандай севишимни мендан эштишиган. (тахминлари йўқ, мендан эшитишмаган, лекин ўз тажрибаларидан аниқ билишади). Уларнинг камчиликларини тушунаман, лекин шунда ҳам уларни қандай бўлсалар шундай қабул қиламан ва ҳар қандай вазиятда уларга яхши бўлсин дейман. (Мен ўзимни шунчалик севаманку) – атрофимдагилар нечтаси (қўшнилари, оилам аъзоларидан) ўзимни севгандай уларни севишимни аниқ айтишоларми?

- Имон келтирмаганлар нечтаси, ўзимни севгандай уларни севишимни айтоларми? Агар жавоблардан биронтаси нолдан фарқласа, яна битта савол беринг: сиз ўзингизга нисбатдан одилмисиз? Бир йил ўтиб, иккинчи варақни очиб ушбу саволларга қайта жавоб беринг. Шунда кўрасизки – ҳақиқатдан ҳам сиз тўғри йўлдасиз ёки болаликда “у ерда юрагимни чуқурларида Исони севаман” деб ашулада айтилгандай. “У ерда юрагим чуқурларида яқинимни севаман, у ерда юрагим чуқурларида душманимни севаман”. Ташқарида эса ҳеч қандай белги йўқ. Умуман – кетинглар, Худони севишга халақит берманглар. У ерда юрагим чуқурларида.

Лекин одам мен уни севишимни қандай биладими?

Бизчи, Худо бизни севишини биламизми? Биз қаердан билишимиз мумкин буни? *“Зеро Худо оламни шунчалик севадими, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин”* (Юҳанно 3:16). У Ўзининг севгисини амал билан келтирди, шундай амал биланки, ҳеч бир киши Унинг сабабларига гумон қилолмас, севгиси кучига хиёнат қилолмас. Худони қабул қилишни истамаганлар эса, Масих



қурбонлиги фактини рад этишга мажбурдирлар. Чунки бу фактни тан олинса, Худонинг севгиси шунчалик аниқ равшан бўладики ундан қувиб юбориб бўлмас, ҳеч қандай ёлғон билан қоралаб бўлмас. Худованд бизни севади ва У севгисини хочда ифодалади. Бизнинг одамларга бўлган севгимиз бирон жойда яъни ишларимизда ифодаланишга ёки у ерда юрагим чуқурларида қолиб кетяптими? “Маънавий баркамоллик кўринадиган критерийлар” – соддароқ. Лекин мен уни ўзим каби севишимга ҳеч ким гувоҳлик беролмаса, мен ҳали Худодан узоқман ва ўзимнинг маънавий эришганларим билан ғурурланиш эрта.

Нечта одам, менинг атрофимдагилар ёки оилам аъзоларидан ишонч билан уларни ўзим каби севишимни айта олади? Менинг ишларим, амалларим мени Масихда ўсишимни ёки намоиш бўладими?

*“Фисиҳ байрамига оз қолган эди. Исо бу оламдан Отаси олдида ўтиш вақт-соати келганини билар эди. У бу оламдаги Ўзиникиларни севар эди, уларни охиригача севди. Кечги овқат пайти эди. Симун ўғли Яҳудо Ишқарийётнинг дилига иблис аллақачон Исога хиёнат қилиш ниятини солган эди. Исо бўлса, Отаси ҳамма нарсани Унинг қўлига берганини билар эди, Ўзи Худо ҳузуридан чиқиб яна Худо ҳузурига қайтаётганини ҳам билар эди. Шундай қилиб Исо овқатдан сўнг устки кийимини ечиб ташлади, сочиқни олиб белига боғлади” (Юҳанно 13:1-4).*

Бу ерда кескин фарқ қанчалик шиддатли! Аввал бу дунёнинг ҳақиқати ҳақида гапирилади: “Симуннинг ўғли Яҳудо Ишқарийётнинг дилига иблис аллақачон Исога хиёнат қилиш ниятини солган эди”; кейинчалик – Исо аниқ ҳокимиятининг гувоҳлиги: “Отаси ҳамма нарсани Унинг қўлига берганини билар эди”. Оддийгина – ваҳоланки? Биринчи синф ўқувчиси учун масала! Уч юришда мат! Тасаввур қилинг, олдингизда ёвуз ният билан қабих ҳийлага солмоқчи одам турибди, тасаввур қилиб бўладиган ҳийлага (яъни бўлмайдиган) бу ерда айна ўринли, сизга ерда ва осмондаги тасаввур қила бўладиган (яъни тасаввур қилиб бўлмайдиган) ҳокимият берилди. Мубоҳаса қилайлик, мен сиз нима қилишингизни топаман? Мен ўзимга тасаввур қила оламан (кўпроқ – тасаввур ҳам қилолмайман, хаёлимга ҳам келтиролмайман), мен, бундай вазиятда қандай иш тутардим! Лекин – кутилмаган эди: *“Исо овқатдан сўнг устки кийимини ечиб ташлади, сочиқини олиб белига боғлади, кейин обдастага сув қуйиб, шогирдларининг оёқларини ювишга тушди. Белига боғлаган сочиқ билан уларнинг оёқларини артиб қуритди” (Юҳанно 13:4-5).*

Бу мени қойил қолдиради! Мана, навбати билан ёвузлик олий кўрсатгичи, хокимият олий кўрсатгичи ва севги олий кўрсатгичи, амал, иш кўрсатгичи! Исо ҳаммасини пайқаб Яҳудо оёғини ювди, у Уни бугуноқ сотишини биларди. Унга хиёнат қилади. Эрта кун чиққунча Исони уч бор рад этадиган Бутрус оёғини, экаперимент учун кейин ярасига михларни қайтиб солишни талаб этадиган Тўма оёғини. Барчасини бугуноқ кечкурун Уни душманлари кўлида ташлаб тарқаб кетадиганлар оёғини ювди! Ҳаворий ёзади: *“Масих Худонинг қиёфасида бўла туриб, Худога тенг ҳурматни ўлжа қилмади. Лекин Ўз улуглигидан кечиб, қул қиёфасига кирди У. Кўринишидан инсонлар сингари бўлди. У Ўзини шундай паст олиб, Ўлимга, ҳатто хочдаги ўлимга бориб итоат этди”* (Филип 2:6-8).

Маънавий баркамоллик критерийларини синашга бериладиганларга Исо қанадйдир баланд кўрсатгичлар намоён этмади. У иши билан одамларга севгисини намоён этди. Исо ортидан юриш қул образини қабул қилмоқ дегани. Жамоатда биродарларга, қўшнилари ва хизматдошларга, яқинлари ва танишларингизга СПИД билан зарарланганларга, айниганга, украиналик миллатчи ва Чеченистон террорситига, ислом динини қария имоми ва ёш кришначига бирга Исони, севганларга қул бўлиш. Барчагадир!

## Мундарижа

Масихийлар нимага ишонишади?.....	2
Масихийлик нима?.....	26
Мукаддас Китоб нима?.....	41
Сувга чумиш нима?.....	59
Кутлуг кеча нима?.....	76
Масих ортидан бориш.....	94